

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳукукида

СУЛТОНОВ ХУРШИД МАНСУРОВИЧ

**“САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ САВДО КОРХОНАЛАРИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ”**

5A230102 “Иқтисодиёт (хизматлар соҳаси)”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга тавсия этилди.
“Иқтисодиёт” кафедраси
муdiri, и.ф.н.,
доцент Ш.А.Султонов

Илмий раҳбар:
доцент Э.Ш.Шавқиев

_____ «___» _____ 2015 й.

САМАРҚАНД – 2015

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	3-8
I-БОБ.	САВДО КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ.	9-39
1.1.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналарининг турлари ва таснифланиши.....	9-18
1.2.	Савдо корхоналари самарадорлигини оширишнинг аҳамияти ва назарий масалалари.....	18-31
1.3.	Савдо корхоналари самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари.....	31-39
II-БОБ.	САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА САВДО КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	40-53
2.1.	Савдо корхоналари асосий фондлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	40-44
2.2.	Савдо корхоналари айланма маблағлари самарадорлигининг таҳлили.....	44-49
2.3.	Савдо корхоналарида меҳнат ресурслари самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили.....	49-53
III-БОБ.	САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ САВДО КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ.....	54-66
3.1.	Самарқанд вилоятидаги савдо корхоналари самарадорлигини ошириш йўллари.....	54-57
3.2.	Савдо корхоналари ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари.....	57-60
3.3.	Савдо корхоналарида меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....	61-66
	Хулоса.....	67-72
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	73-75

Кириш.

Тадқиқотнинг долзарблиги. Мамлакатимизни ҳар томонлама иқтисодий ривожлантириш бўйича Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилаётган миллий дастурлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан ривожланишнинг устувор йўналишлари белгилаб олиниб, аниқ муддатларда, босқичма-босқич ижро этилаётгани миллий иқтисодиётимизнинг юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда.

2014 йилда “Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014-йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди¹.

Мамлакатда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шу жумладан савдо тармоғини ривожлантириш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Мазкур соҳа субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари яратилди.

“ ... хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

2014-йилда бозор хизматлари кўрсатиш ҳажми 15,7 фоизга ўсди, уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 53 фоиздан 54 фоизга

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2015 йил 17 январь.

ошди. Бугунги кунда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 50 фоиздан ортиғи ушбу тармоқда меҳнат қилмоқда”².

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ва хизмат кўрсатиш соҳасига эътибор натижасида аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг тури ва уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми бирмунча ошди. Аммо хизматлар соҳасининг энг йирик тармоқларидан бири бўлган савдо соҳасига эътибор етарли даражада эмас.

Бугунги кунда савдо корхоналари хўжалик фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмлари бир тизимга келтирилмаган, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ҳокимият органлари билан иқтисодий муносабатлари етарли даражада такомиллашмаган. Боз устига мустақиллик йилларида мамлакатимизда савдо корхоналари фаолияти чуқур тадқиқ қилинмаган. Шунинг учун савдо корхоналари самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган илмий изланиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Савдо соҳаси субъектлари фаолиятининг иқтисодий табиати ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш муаммолари чет эллик иқтисодчи олимлардан Гари Джоунз³, А.Крие, Ж.Жаллэ⁴, Л.А.Брагин⁵, К.А.Раицкий⁶, О.В.Чкалова⁷, Джон Ферни⁸, В.Снигерева⁹, С.Сысоева¹⁰, А.М.Фридман¹¹лар томонидан тадқиқ қилинган. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз олимлари томонидан ҳам савдо соҳаси самарадорлигини ошириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб

² Ўша манба

³ Гари Джоунз. Торговый бизнес: как организовать и управлять. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1996.

⁴ Крие А., Жаллэ Ж. Внутренняя торговля: Пер. с фр. – М., А/О «Прогресс» - «Универс», 2005.

⁵ Брагин Л.А. и др. Торговое дело : экономика и организация. – М.: ИНФРА – М, 1997.

⁶ Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник. – М.: 2000.

⁷ Чкалова О.В. Торговое дело. – М.: Эксмо, 2008.

⁸ Джон Ферни и др. Принципы розничной торговли. Пер. с англ. Сапциной У.– М.: ЗАО «Олимп – Бизнес», 2008.

⁹ Снегирева В. Розничный магазин. Управление ассортиментом по товарным категориям. – СПб.: Питер, 2005.

¹⁰ Сысоева С.В., Крок Г.Г. Большая книга директора магазина. – СПб.: Питер, 2009.

¹¹ Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. – М.: «Дашков и К^о» 2008.

борилди. Хусусан, Б.А.Абдукаримов¹², А.Солиев¹³, И.Иватов¹⁴, М.М.Мухаммедов¹⁵, Н.Қ.Йўлдошев¹⁶, Б.Ж.Сафаров¹⁷, Н.Камилова¹⁸, Ф.Б.Абдукаримов¹⁹ Т.С.Шарипов²⁰лар томонидан олиб борган тадқиқотларини алоҳида такидлаш лозим.

Лекин илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, савдо соҳаси субъектларида самарадорликни оширишнинг масалалари миллий хусусиятларимиздан келиб чиққан ҳолда, тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шу сабабли савдо корхоналари самарадорлигини оширишда уларнинг тасарруфидаги моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тежамли фойдаланиш масалаларининг назарий, амалий жиҳатлари алоҳида тадқиқот объекти сифатида олиб қаралмаганлиги диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган савдо корхоналари фаолиятлари самарадорлигини ошириш бўйича илмий-назарий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналарининг турлари ва таснифланишини аниқлаш;
- Савдо корхоналарида самарадорлик тушунчасининг назарий масалаларини ёритиш;

¹² Абдукаримов Б. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Иқтисод–молия”, 2010.

¹³ Солиев А., Бузрукхонов С. Маркетинг. Дарслик. - Т.: “Иқтисод-молия”, 2010.

¹⁴ Мухаммедов М.М. и др. Экономика торговли. Самарканд. 1998. с. 282

¹⁵ Иватов И. Савдода маркетинг фаолияти. Монография. – Т.: ТДИУ, 2004.

¹⁶ Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ. 2005.

¹⁷ Сафаров Б.Ж. Ўзбекистон чакана савдосида бозор тизимларининг шаклланиши ва уларни тартибга солиш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент: ТДИУ, 1998.

¹⁸ Камилова Н.А. Состояние и пути совершенствования внутренней торговли Узбекистана (на примере Самаркандской области). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Самарканд: СамИЭС, 2008.

¹⁹ Абдукаримов Ф.Б. Савдода бозор механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарканд: СамИЭС, 2011.

²⁰ Абдукаримов Б.А., Шарипов Т.С. Умумий оқватланиш: ҳолати, муаммо ва ечимлар. Монография.-Т.: “Иқтисодиёт”. 2011.

- Савдо корхоналари самарадорлигини оширишнинг аҳамиятини асослаш;
- Савдо корхоналари самарадорлик кўрсаткичлари, уларнинг тавсифи ва таснифини аниқлаш;
- Савдо корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил этиш;
- Самарқанд вилоятидаги савдо корхоналари самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш;
- Савдо корхоналари ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини очиб бериш.

Тадқиқот объекти. Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган савдо корхоналари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Савдо корхоналари самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси. Диссертация ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг Фармонлари, Қарорлари ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, тадқиқот ишида мамлакатимиз ва чет эллик иқтисодчи олимларнинг мавзу доирасидаги илмий ишлари, тавсиялари ва уларда қўлланилган методологик тамойиллар асос қилиб олинди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида иқтисодий таҳлил, қиёсий таққослаш, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш, мантиқий ва абстракт фикрлаш усулларида фойдаланилди.

Диссертациянинг илмий янгилиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналари самарадорлигини ошириш бўйича назарий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар қуйидагиларда ўз аксини топган:

- Иқтисодийни модернизациялаш шароитида савдо корхоналарининг турлари ва таснифланишини аниқланган;
- Савдо корхоналарида самарадорлик тушунчасининг назарий масалаларини ёритилган;
- Савдо корхоналари самарадорлигини оширишнинг аҳамияти ва объектив зарурлиги асосланган;
- Савдо корхоналари самарадорлик кўрсаткичлари, уларнинг тавсифи ва таснифини аниқланган;
- Савдо корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил этилган;
- Самарқанд вилоятидаги савдо корхоналари самарадорлигини ошириш йўллари юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;
- Савдо корхоналари ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятлари аниқланган ва улардан амалиётда фойдаланиш йўллари тавсия қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти соҳани ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишда, уни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Амалий аҳамияти Самарқанд вилоятида савдо корхоналари самарадорлигини оширишда, тармоқнинг самарали ва барқарор фаолият юритишини таъминлашда услубий асос сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Шунингдек, тадқиқот натижаларидан олий таълим муасасаларида «Ички савдо иқтисодиёти», «Савдо иқтисодиёти муаммолари» ва «Умумий овқатланиш соҳаси иқтисодиёти» каби фанларни ўқитишда, Республикамизда савдо соҳаси фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий-меърий ҳужжатларни такомиллаштириш ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш ҳам мумкин.

Тадқиқот натижаларининг синовдан ўтганлиги. Диссертациянинг асосий ғоя ва хулосалари “Самарқандда савдо корхоналари самарадорлигини оширишнинг объектив зарурияти” (“Ижтимоий соҳалар инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик муаммолари” мавзусида профессор-ўқитувчиларнинг ИАА материаллари. СамИСИ. 2014 йил 24-25 апрель) ва “Савдо корхоналарида инфратузилманинг роли ва аҳамияти” (“Иқтисодиёт ва халқимиз ҳаёт сифатини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси Самарқанд 2015-й. IV-қисм 20-21 феврал) республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар кўринишида баён этилган ва ижобий баҳоланланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибий жиҳатдан кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 75 бетдан иборат.

I-БОБ. САВДО КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ.

1.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида савдо корхоналарининг турлари ва таснифланиши

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар миллий иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим. Унинг таркибий қисми бўлиб ҳисобланган **савдо соҳасини ривожлантириш - аҳолига кўрсатилаётган чакана савдо хизмати сифатини ошириш, унинг турли хилдаги талабларини қондириш муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.**

Республикамизда бозор ислохотларининг чуқурлашуви, иқтисодийнинг эркинлашиши ва модернизациялаш, рақобатнинг кучайиши ва бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, хусусан, савдо корхоналарининг ҳам фаолият самарадорлигини ошириш заруратини туғдирмоқда. Чунки, самарадорлик таъминланмаган корхонада иқтисодий ўсишга эришилмайди ва бундай вазиятда уларнинг инқирозга юз тутиши ва банкрот бўлиши аниқ.

Иқтисодий ўзгаришларнинг ҳозирги босқичида асосий мақсад савдо корхоналарининг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шароитларни яратиш ҳисобланади. Белгиланган мақсадларнинг мураккаблиги мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида тармоқнинг бозор механизмида асосий бўғинга айланиб бораётган савдо корхонаси деган тушунчанинг моҳияти ва мазмунини ҳар томонлама чуқур ўрганиш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан асосий эътибор ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг барча фазарида, иқтисодийнинг барча соҳа ва тармоқларида рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилди.

Ислохотлар мамлакат ҳудудида ривожланган тадбиркорлик муҳитини шакллантиришга қаратилди ва янги бозор субъектлари вужудга келди.

Ўзбекистон мулкдорлар синфининг ҳуқуқий жиҳатдан тан олиниши тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига туртки бўлди. Тадбиркорлик

фаолиятини юритиш, тадбиркорлардан янгича иш юритишни, янги касблар ва муносабатларни ўзлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунида (1991 йил 15 февраль) «Тадбиркорлик – мулкчилик субъектининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида, амалдаги Қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир» деб эътироф этилган. Ушбу қонун асосида тадбиркорлик шакллари ва соҳалари белгилаб берилди.

Савдо тадбиркорлик соҳаларидан бири бўлиб, унда яқка тартибдаги ва жамоавий тадбиркорлик ривожланишига кенг йўл очилди.

Яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари савдода ҳуқуқий шахс барпо этмасдан туриб фаолият юритишлари мумкин. Бундай ҳолларда улар ушбу фаолият билан шуғулланишлари учун рухсатномага эга бўлса қифоя.

Савдода жамоавий тадбиркорлик корхона ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Миллий иқтисодиётни асосини корхоналар ташкил қилади. Барча инсон учун зарур бўлган моддий, ижтимоий, маънавий борлиқлар корхоналарда яратилади. Корхоналар, тармоқлар ва соҳаларни таркибини, мазмунини, масштабини, ривожланиш даражасини белгилайди. Улардан тармоқ ва ҳудудий бирлашмалар ташкил топади, шаҳар, туман, вилоятлар тузилади.

Аксарият адабиётларда корхонанинг мақсади тўғрисида сўз юритилганда, бу масалага бир томонлама қарашларни кузатамиз. Яъни корхонанинг мақсади ўз фаолиятидан фойда (даромад) олиш деб таъкидланади. Масалан: А.А.Сергеев - “Корхона - фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат қилиш учун барпо этилган мустақил фаолият юритувчи субъект” деб таърифлайди ва “шакллари кўплигига қарамай корхоналар фойда олиш мақсади орқали бир хил тус олади” деб таъкидласа¹, Б.Абдукаримов раҳбарлигида чоп этилган “Корхона

¹ Сергеев А.А. Экономические основы бизнес-планирования. - М.: ООО “Издательство юнити-ДАНА”. 1999. 6 б.

иктисодиёти” дарслигида: “Корхона - жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланувчи, аҳолининг талабини қондириш ва фойда олиш ёки бошқа ижтимоий функцияларни бажариш мақсадида, хусусий ресурслардан фойдаланиш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, айирбошлайдиган ҳамда бошқа ишларни ва хизматларни бажарадиган, фаолияти бўйича қарорлар қабул қиладиган ва унга жавобгар, ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган, ҳар хил масштабдаги хўжалик юритувчи субъектдир”²¹-деб, таъкидланган бўлса, савдо корхоналарининг турлари ва таснифи Б.Абдукаримов ва Ф.Б.Абдукаримовлар томонидан батафсил ёритилган²²

Жаҳон амалиётида савдо корхоналарига магазинлар, павильонлар, киосклар, палаткалар, савдо автоматлари киритилади. Савдо корхоналари бир қанча типларга бўлинади. Чет эл адабиётларида «тип» сўзини ўрнига «формат» сўзини ишлатилиши учраб туради.

Россия Федерациясида чакана савдо шахобчалари қуйидаги типларга таснифланади²³: Универмаг, Универмаг «Детский мир», магазин-склад, гипермаркет, Универсам (Супермаркет), гастроном, озиқ-овқатлар (мини-маркет), «Кундалик эҳтиёж товарлари», «Ноозиқ-овқат товарлари», ихтисослашган магазин, ихтисослашмаган магазин, савдо уйи, комисион магазин.

Ривожланган давлатларда чакана савдо ҳар хил каналлар орқали амалга оширилади. Буюк Британиядаги «Евромонитор» ташкилотининг маълумотига кўра Францияда аҳолига сотилган товарларнинг 80,6 % чакана савдо шахобчалари, 2,8 % булочный магазинлар, 2,7 % улгуржи савдогарлар, 5,0 % саноат фирмалари орқали сотилган.

АҚШ магазиндан ташқи савдо (почта, телефон, электрон савдо, автоматлар ва ҳ.к.) чакана савдо айланмаси 12,0 % ни ташкил қилади.

²¹ Абдукаримов Б. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Фан ва технология” 2013 - 60 б.

²² Абдукаримов Б., Абдукаримов Ф.Б. Савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. I-қисм, 2013-26-28 бетлар.

²³ РФ ГОСТ Р 51773-2001 «Розничная торговля. Классификация предприятий».

Магазинларнинг типлари ҳар хил белгилар орқали таснифланади. «Евромонитор» таклифи бўйича магазинларнинг қуйидаги типлари тавсия қилинган:

- истеъмол бозорлари, савдо майдони 1000-2500 м.кв. ва кенг товарлар ассортименти билан савдо қилади (Германия ва Австрияда кенг тарқалган);
- «конвиниенс сторз» - кундалик эҳтиёж товарлари билан савдо қилади;
- Универмаглар, савдо майдони 2400 м.кв. ва 25 кишидан кам бўлмаган сотувчилар ишлайди;
- дисконт магазинлар, паст баҳоларда товарлар сотиш билан шуғулланади;
- гипермаркетлар, савдо майдони 10-50 минг м.кв. ва товарлар номенклатураси 25-50 минг турни ташкил қилади. Европа савдо институтининг маълумотларига кўра Европада энг йирик гипермаркетлар ичида Carrefour (823 савдо шахобчаси), Leclerc (391), Auchan (321), Casino (299) туради. Германияда гипермаркетлар 1960 йилларда ташкил қилина бошлаган, Европа савдо институтининг маълумотлари бўйича бошланишда 50 гипермаркетлар ташкил қилинган бўлса 1980 йилда – 1323 та, 2006 йилда эса 2600 тага етган;
- супермаркетлар, Европа савдо институтининг маълумотиغا кўра уларнинг савдо майдони 800 дан 2000 м.кв. ташкил қилади. АҚШда озиқ-овқатларнинг 70,0 %, Бразилияда – 31,0 %, Польшада – 13,0 % супермаркетлар орқали сотилади. AC Nielsen агентлигининг маълумотларига кўра Москва шаҳрида умумий товар айланишини 10,0 % супермаркетлар ташкил қилади;
- «Верайети» - 1500 м.кв. савдо зали бўлиб, унда истеъмолчилар ўзига-ўзи хизмат қилади.

Чет давлатларининг ижобий тажрибаларидан барча чакана савдо шаҳобчаларини вақти-вақти билан рўйхатдан ўтказиб туриши ва уни натижаси бўйича магазинларнинг типлари, жойлашиши, товарлар номенклатураси ҳисобга олинади.

Ҳозирги вақтда чет элларда «Фирменный» магазинлар кенг тарқалмоқда. Тарихдан маълумки биринчи «Фирменный» магазин Москвада 100 йил олдин ташкил қилинган экан.

АҚШ, Япония, Франция, Россия, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда «Савдо уйлари» кенг тарқалмоқда.

Капитални концентрацияланиши ва уни диверсификацияланиши натижасида «Молиявий-саноат гуруҳлари» (МСГ) вужудга келишига олиб келди. Ҳозир МСГ кўп тармоқли комплексларга ва конгломератларга айланмоқда. Россияда улар истеъмол товарлари бозорига ҳам кириб келди.

Ғарбий Европа давлатларида савдода харидорларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш технологияси кенг тарқалган. Австрия, Белгия, Дания, Финландия, Франция, Германия, Буюк Британия, Нидерландия, Норвегия, Швеция ва Швейцариялар халқаро ўз-ўзига хизмат қилиш ташкилотининг аъзолари бўлиб ҳисобланади.

Бундай магазинларнинг умумий озиқ-овқат товарлари магазинларининг товар айланишидаги ҳиссаси Белгияда – 29,7 %, Швецияда – 100,0 %, Буюк Британияда– 50,0 %. Ривожланган давлатларнинг кўпчилигида гипермаркетлар, супермаркетлар, универмаглар ва суперстерлар ҳисобланади.

Италияда ўз-ўзига хизмат қиладиган супермаркетлар 50-йилларда ташкил қилинган бўлиб, 90-йилларга келиб уларнинг сони 2200 дан ортиб кетган.

Савдо корхоналари фаолият кўлами, вазифаси ва хусусиятларига қараб қуйидаги турларга ажратилади:

- чакана савдо корхоналари;
- товар биржалари;

- консигнацион савдо фирмалари;
- ярмаркалар;
- аукционлар;
- комисион савдо корхоналари;
- савдо уйлари;
- улгуржи ва чакана бозор;
- улгуржи ва майда улгуржи дўконлар;
- улгуржи савдо корхоналари.

Чакана савдо корхоналари: жойлашуви ва фаолиятига кўра — муқим (стационар), кўчма ва жўнатувчи (посилка қиладиган) корхоналарга; товарлар кўлами ва ассортиментига кўра — универсал, ихтисослашган, тор ихтисослашган, комбинациялаштирилган ва аралаш дўконларга бўлинади. Шунингдек, чакана савдо тормоғи чакана савдо корхоналарига, майда чакана савдо корхоналарига ажралади.

Товар биржалари — бу доимий фаолият юритувчи аукцион жамиятлар шаклидаги ташкилотлар, корхоналар бўлиб, юридик ҳуқуққа эга. Улар ихтиёрий равишда шаклланади. Таъсисчилари корхоналар, ташкилотлар ва алоҳида жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам уларнинг бошқарув органи таъсисчилар йиғилиши ҳисобланади. Товар биржалари фаолиятига раҳбарлик лавозимига таъсисчиларнинг умумий йиғилиши томонидан кўрсатилган номзодлар қўйилади.

Савдони ташкил қилишда **ярмаркалар** муҳим аҳамият касб этади. Уларда ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган товар маҳсулотлари намойиш этилади ва харидорлар томонидан унга маъқул бўлган товарлар ва маҳсулотларни харид қилиш учун шартномалар имзоланади, келишувлар амалга оширилади.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва воситачилар томонидан сотувга қўйилган товар маҳсулотлари ким ошди савдосига қўйилади. Бунда

товарларнинг нархи **аукционда** белгиланган нархларда белгиланади ва сотилади.

Комиссион савдода корхоналар товарларни сотиб олмайди, балки олди-сотди операцияларни ўз номидан амалга оширсада, барча ҳисоб китоблар мижоз ҳисобидан бажарилади.

Комиссион савдо корхонаси — бу мустақил корхона бўлиб, ноозиқовқат товарлари олди-сотдиси бўйича мижознинг топшириғини бажарувчи махсус ихтисослашган субъектдир. У фьючерс биржаларида мижознинг кизиқишларини ифодалайди. Шу билан бирга кичик корхоналар ва индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларга хизмат кўрсатади.

Савдо уйлари — бу катта улгуржи-чакана савдо фирмалари бўлиб, ишлаб чиқариш ва молия соҳасида интеграциялашган. Улар товар ишлаб чиқариш соҳасига фаол кириб боради, товар ишлаб чиқаришни кооперациялашни ташкил этади, кредит-молия операцияларида қатнашади, товар ва хизматларнинг кенг ассортиментида экспорт-импорт операцияларини амалга оширади.

Савдо уйлари одатда акционерлик жамиятлари каби фаолият юритади. Улар товар биржаларини, улгуржи базаларни, катта чакана савдо корхоналарини қайта ташкил этиш орқали шакллантирилади.

Савдо корхоналари ўз кўламига кўра **улгуржи, майда улгуржи ва чакана савдо корхоналарига бўлинади**. Улгуржи савдо товарларни қайта сотиш билан шуғулланувчи харидорларга хизмат қилади. Бунда товарлар хажми нисбатан катта бўлади. Улгуржи савдо қилувчилар ҳудудий жиҳатдан асосий харидорларга яқин бўлади ва ишлаб чиқрувчига нисбатан харидорлар билан кўпроқ мулоқатда бўлади ва уларнинг эҳтиёжларини яхшироқ билади. Чакана савдо билан шуғулланувчиларга алоҳида-алоҳида товар ишлаб чиқарувчиларга нисбатан улгуржи савдо билан шуғулланувчилардан товарларни харид қилиш қулайроқдир. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг асосий эътибори товар ишлаб чиқришга қаратилади ва товарлар олди-сотдиси функциясини улгуржи савдога беради. Улгуржи савдо қилувчи

потенциал харидорлар эҳтиёжига нисбатан оптимал товар ассортиментини шакллантириш имкониятига эга бўлади. Улгуржичилар катта миқдордаги товарларни сотиб олиб, уларни аниқ харидорлар учун партияларга бўлади.

Улгуржи савдо қилувчи захираларни сақлаган ҳолда ишлаб чиқарувчилар харажатларини пасайтиради. Улгуржи савдо қилувчи керакли жойга керакли вақтда ва керакли ассортиментда товар билан таъминлайди. Улгуржи савдо корхоналари давлатники, аукционли, маҳаллий ҳокимиятга тегишли, хусусий ва аралаш бўлиши мумкин. Улар маъмурий марказларда йўллар, сақлаш жойи, турли цехлар(тараларни таъмирлайдиган) мавжуд бўлган махсус ҳудудларда жойлашган бўлади.

Улгуржи ва майда улгуржи савдо хизматидан олиб сотувчилар, ўрта ва майда улгуржи корхоналар тармоғи ва алоҳида истеъмолчилар фойдаланади. Улар ўртасидаги ҳисоб китоблар нақд ёки нақд пулсиз амалга оширилади.

Майда улгуржи савдо бу ўртача мураккабликдаги ва мураккаб бўлмаган ассортиментдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини стационар ва кўчма савдо тормоқлари орқали сотуви тушунилади. Охириги вақтда майда улгуржи дўкон омборхоналар кенг тарқалган. Улар катта бўлмаган омборга, омбор хизматчиларига эга бўлиб майда чакана савдо дўконларига, (палатка, ларьёк ва лавкалар)га хизмат қилади.

Савдо корхонасининг моҳиятини очиб беришда уни уч жиҳатдан-ҳуқуқий, ҳўжалик ва тармоқ жиҳатидан кўриб чиқиш зарур (1.1.1-расм)

Ҳуқуқий нуқтаи назардан савдо корхонасини ҳуқуқий шахс сифатида кўриб чиқиш лозим.

Савдо корхонасининг ҳуқуқий шахс деб тан олинishiга хизмат қилувчи тўртта асосий белгини кўрсатиш мумкин: ташкилий бирлик, мулкнинг алоҳидалиги, мустақил фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, фуқаролик ва ҳуқуқий ишларда ўз номидан иштирок этиш.



1.1.1-расм. Савдо корхонасининг таркиби²⁴

Ҳуқуқий шахс бу давлат томонидан ҳуқуқий субъект сифатида тан олинган ташкилот бўлиб, алоҳида мулкка эғалик қилади, ўз мулки билан мажбуриятлари бўйича мустақил жавоб беради ҳамда фуқаролик ишларида ўз номидан иштирок этади.

Корхона таркибига мулкӣ мажмуа сифатида ер майдонлари, бино ва иншоотлар, асбоб-ускуналар, товарлар, инвентарь, пул маблағлари, қарзлар ва талаб ҳуқуқлари, мулкӣ ҳуқуқлар (товар белгилари, фирма номлари, намуналар), шунингдек, номоддий активларни (муаллифлик ҳуқуқлари ва лицензиялар, ноу-хау, ишбилармонлик нуфузи ва ҳоказо) киритиш мумкин.

Савдо корхоналарининг ўзига хослигини максимал даражада улар фаолиятининг тармоқ жиҳати ёрдамида очиб бериш мумкин.

Савдо корхонаси аниқ белгиланган мақсадли йўналишга эга бўлиб, ягона моддий, савдо-технологик ва ташкилий-иқтисодий таркиби билан характерланади.

²⁴ Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ. 2005. – 5 б.

Савдо корхонасининг асосий вазифаси товарларни сотиш ҳисобланади. Бу вазифани классик назарияга асосан икки жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин:

- 1) истеъмол қийматини сотиш, яъни муайян товарни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача етказиб бериш;
- 2) товарнинг қийматини сотиш, бунинг натижасида муайян товар жамият томонидан тан олинади.

Ўз фаолияти давомида савдо корхонаси бошқа бир қатор вазифаларни ҳам бажаради. Бу вазифалар кўпинча қўшимча вазифалар деб аталиб, улар қаторига товарга бўлган истеъмолчилик талабини ўрганиш, товар ассортиментини шакллантириш, товар ва хизматларни реклама қилиш, уларни савдо залларида намойиш этиш, харид қилинган товарларни хариддорнинг уйига етказиб бериш бўйича қўшимча хизматлар кўрсатиш, сотувда бўлмаган товарлар учун буюртма олиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

1.2. Савдо корхоналари самарадорлигини оширишнинг аҳамияти ва назарий масалалари

Ҳозирда бирон бир давлатни ривожланган мамлакатлар қаторига қўшиш учун хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг мамлакат ЯИМ даги улуши 65 фоиздан юқори бўлиши асосий мезон бўлиб қолмоқда. АҚШ иқтисодиётида яратилган ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 78, Японияда 62 фоизни ташкил этади²⁵.

Мамлақтимиз Президенти И.А.Каримов: “Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган муҳим масала, бу – хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиш, бунда мамлақатимиз ЯИМ

²⁵ О сокращении занятости в мировой промышленности // БИКИ.2005.№138(8934),С.4.

таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор”²⁶-деб таъкидладилар.

Ушбу соҳани республиканинг барча ҳудудларида янада ривожлантириш бўйича бир қатор ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар²⁷нинг қабул қилиниши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳадаги мавжуд муаммоларни ўрганилиши ва уларни ҳал қилиш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқирилиши, мўлжалли ва аниқ ҳаракатлар натижасида қўйилган вазифа 2014 йилда бажарилди, яъни мамлакатимиз ЯИМ таркибида бу соҳанинг улуши 54 фоизга²⁸ етказилди.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб борапти, деб айтишга асос беради²⁹.

Демак мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа тармоқларга нисбатан тез ривожланиши зарур. Шунингдек, хизмат кўрсатиш ривожини халқимиз фаровонлигининг ошишига бевосита таъсир қилади.

Биз ўзимизнинг тадқиқотларда эътиборимизни хизматлар соҳасининг бир ажралмас қисми ҳисобланган савдо соҳасига, унда фаолият олиб борувчи корхоналар самарадолигини оширишга қаратамиз.

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг турли муаммолари айрим тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, уларнинг ечими белгилаб берилди. Аммо шунга қарамасдан ҳали ҳам савдо корхоналари

²⁶ Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичларга кўтарадиган йил бўлади” Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида “2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли, “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сонли, “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги 2012 йил 10 майдаги ПҚ-1754-сонли ва “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2013 йил 17 апрелдаги ПҚ-1957-сонли қарорлари

²⁸ Каримов И.А. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2015 йил 17 январь.

²⁹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

самарадорлигини оширишга бағишланган илмий тадқиқот ишлари мустақиллик йилларида кам бажарилган. Тадқиқотларимиз савдо корхоналари самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилар экан, биз, ушбу тушунчанинг айрим назарий жиҳатларига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Савдо корхоналари самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш учун ушбу тушунчанинг умумий жиҳатларини қараб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, умумий тушунчаларни ва бошқа соҳалар самарадорлигини таҳлил қилмасдан туриб, ушбу соҳа самарадорлигининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш бироз мураккаб ва тушунарсиз бўлади.

“Самара” ва “самарадорлик” тушунчалари бир-бирига шу даражада яқинки, шу туфайли кундалик ҳаётимизда ҳам, айрим адабиётларда ҳам уларни бир хил тушунчалар, деб қарайдилар. Фикримизча, аввалом бор “самара” ва “самарадорлик” тушунчаларини фарқлаб олиш зарур. Шу туфайли ушбу сўзларнинг луғавий маъносига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «самара», «самарадор», «самарадорлик», «самарали», «самаралилик» сўзлари келтирилиб, уларга изоҳ берилган. Унда ёзилишича «самара» - натижа, оқибат. «Самарадор» - кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган; самарали, сермахсул. «Самарадорлик» - иқтисодий самарадорлик. Меҳнат самарадорлигини оширмоқ. «Самарали» - самарали иш. Самарали меҳнат. Самарали таъсир кўрсатмоқ. Ишлаб чиқариш воситаларидан самарали фойдаланмоқ, деб таъкидланган³⁰. Кўриниб турибдики, самарадорлик тушунчаси асосан нафлилик, фойдалилик ва натижавийлик каби тушунчаларни ифода этади. Ушбу сўзларнинг мазмунидан келиб чиқиб, унинг назарий жиҳатига эътиборни қаратамиз.

³⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: «Рус тили» нашриёти. 1981, 17-б.

Ҳозирда иқтисодий адабиётларда “самара”³¹ ва “самарадорлик”³² тушунчаларига турлича таърифлар келтирилган.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннариhini камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда ишлаб чиқариш самарасини, пул шаклида эса иқтисодий самарани тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида кўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади”³³.

“Корхона иқтисодиёти” фани дарслигининг муаллифлари – Б.А.Абдукаримов ва бошқалар қайд этганидек: “Ҳар қандай жамиятда ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иқтисодий тараққиётнинг асосини яратади.

... иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш жиддий масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кўпгина ресурслар чегараланган, уларнинг аксарияти (металл, қурилиш материаллари ва бошқалар) хориждан келтирилади. Шунинг учун мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий ва хорижий сармояларни устувор соҳаларга жойлаштириш каби самарадорликни ошириш воситаларига етарли даражада эътибор бериш талаб қилинади.

³¹ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. 100 савол ва жавоб -Т.: “Меҳнат”-2000, 468 бет

³² В.Добрынин Актуальные проблемы экономики АПК. М.: 2001.

³³ Махмудов Э.Х. Исаков М.Ю. Корхона иқтисодиёти (маърузалар матни).-Т.:ТДИУ, 2010, 113 бет.

... мамлакатда рўй бераётган ижтимоий ўзгаришлар кишиларнинг эътиборини жалб қилмоқда ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ўрганиш ва уларга баҳо бериш заруриятини туғдирмоқда. Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самарадорлигини ўрганиш ўта муҳимдир. Улар ўзаро узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган категориялардир”³⁴.

“Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги унинг пировард мақсад натижасида ўз ифодасини топади. ижтимоий-иқтисодий самарадорлик таркибида иқтисодий самарадорлик алоҳида эътиборга эга.

Иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий неъматлар ҳажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан эришилган иқтисодий неъматлар муносабатидир. Ишлаб чиқариш жараёнида ... харажат қилинади ва унинг натижасида маълум миқдордаги неъматлар яратилади. Харажат билан натижани таққослаш орқали иқтисодий самарадорлик ифодаланади”³⁵ деб изоҳланади.

Демак, “самарадорлик” тушунчаси ниҳоятда кенг тушунчадир, у олинган самаранинг сарфларга нисбатини акс эттиради.

Юқорида “самарадорлик” тушунчаси бўйича берилган иқтисодчи олимларимизнинг фикрларини умумлаштирган ҳолда, “самарадорлик” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: “Самарадорлик дейилганда, мулк шаклидан қатъи назар, барча мавжуд ресурсларнинг самарали фойдаланиши ва харажатларнинг тежамкорлигини таъминлаш эвазига жамият, давлат, мулкдор, корхона, иш кучи соҳиби каби субъектларнинг манфаатлари муштарақлигини таъминлашга қаратилган, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади”.

Ушбу таърифнинг мазмунини қуйидагича изоҳлаш ва асослаш мумкин. Биринчидан, мулк шаклидан қатъи назар, бирорта ресурс ёки харажат энг аввало, мулкдорнинг (инвесторнинг) манфаатини таъминлаши

³⁴ Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти (Дарслик).-Т.:Фан, 2013, 122 бет.

³⁵ Ўша манба, 123 бет.

керак. У киритган инвестицияси учун маълум даражада фойда олиши лозим. Шу билан унинг манфаати таъминланади.

Иккинчидан, шу инвестор ташкил қилган корхона ва унинг меҳнат жамоаси ҳам манфаатдор бўлиши керак. Корхона ўзи ишлаб топган фойдаси эвазига ўзини ушлаб туриш ва ривожланиши учун имконияти туғилиши лозим. Шундагина корхонанинг фойда олиб самарали ишлаши, унинг манфаатига ҳам мос бўлади.

Учинчидан, ҳар бир иш кучи соҳиби (ходим) самарадорликнинг ошишидан манфаатдор бўлиши керак. Чунки, у текинга ишламайди. Қилинган меҳнати учун у маълум даражада меҳнат ҳақи олиб, ўзининг ва оиласининг яшабини таъминлаши лозим. Қанча кўп ишласи, шунча кўп манфаатдорлик таъминланса, яъни кўп иш ҳақи олса, у ўз иш услубини такомиллаштириб бораверади. Шу йўл билан унинг ҳам манфаати қондирилади.

Тўртинчидан, ушбу фаолият натижасининг самарадорлигидан жамият ҳам манфаатдордир. Масалан, шу фаолият кўрсатиб турган корхона бозорга тегишли маҳсулот (иш, хизмат)ларни чиқариш ва аҳолининг бир қисмини иш билан таъминлаш орқали жамиятнинг манфаатига ҳам хизмат қилади. Шу туфайли жамият ҳар бир фаолият кўрсатиб турган хўжалик юритувчи субъектлардан манфаатдор. Фаолият давомида ушбу манфаатдорлик ҳам қондирилиши лозим.

Бешинчидан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан, мулк шаклидан қатъи назар, давлат ҳам манфаатдор. Чунки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг фаолияти натижасидан давлатга солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширади. Шу орқали давлатнинг ҳам манфаатдорлиги таъминланади. Давлат манфаатдорлигини таъминлаш учун ҳар бир фаолият кўрсатиб турган хўжалик юритувчи субъект юқори самарадорликка эришиши лозим бўлади.

Олтинчидан, барча манфаатдор субъектлар ўз манфаатлари учун интилиш жараёнида улар ўртасида иқтисодий муносабатлар вужудга келади.

Бу муносабатлар бир қанча қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинади. Шу туфайли иқтисодий муносабатлар мажмуи самарадорлик тушунчасининг табиатини очишга хизмат қилади.

Нихоят, еттинчидан, ушбу таъриф иқтисодиётнинг барча бўғинларига ва тармоқларига дахлдордир. Чунки, барча ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятдан юқоридаги барча субъектларнинг манфаатдорлиги таъминланади. Шу туфайли ушбу таъриф бошқа тармоқ ва соҳалар учун ҳам назарий асос бўлиб ҳисобланади.

Ўрганилган илмий-иқтисодий адабиётлар асосида шундай хулоса қилишимиз мумкинки, самарадорлик категориясининг назарий масалаларида ҳали ўз ечимини кутаётган анча муаммолар мавжуд. Шу сабабли ўрганилаётган масала бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган ҳозирги кунда ўта ҳаётий ҳисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳатларнинг бош мақсади – аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, фаровонлиги ўсиши, ҳаёт даражасининг юксалиб боришининг асоси сифатида иқтисодий фаолиятни тўла эркин ҳолда амалга ошириш учун шароитлар яратишдир. Ушбу жараённи белгиловчи жиҳати кўп укладли иқтисодиёт яратиш бўлиб, унда биринчи навбатда аҳолининг истеъмол товарларига ва турли хизматларга бўлган эҳтиёжи – бозор иқтисодиётини ривожлантирувчи вазифасини бажарадиган бўлиб қолади. Бу жараёнда етакчи ўринга иқтисодиётни ривожлантирувчи савдо соҳаси чиқади.

Ўзбекистонда савдонинг ғоят муҳим соҳа эканлигини таъкидлаб, республикамиз Президенти И.А.Каримов: “Бозор иқтисодиёти савдо тизимига эркинлик берилишини, унинг хусусийлаштирилишини тақозо этади ... Шу боис, биз бу соҳага қулай имкониятлар яратиб бердик ... савдо хизматини яхшилаш борасида талай ишлар қилинди. Буларнинг бари истеъмолчи, яъни мамлакатимиз фуқароларига яратилган қулайликлардир”,³⁶

³⁶ Каримов И.А. Эл манфаати-фаолиятимиз асоси//Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т.:Ўзбекистон, 1996. 246-б.

деб, савдо соҳасининг мамлакат иқтисодиёти ва аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишдаги нечоғлик аҳамияти борлигини кўрсатиб берди.

Савдони ривожлантириш аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда мўл-кўл ассортиментли товарларларни таклиф этиш, товарларни харид қилиш учун сарфланадиган вақтларини тежашда, савдо хизматини яхшилаш ва маданиятини ошириш, савдо корхоналари майдонларидан самарали фойдаланишга имкон беради.

Савдо ҳар қандай иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи - омили ҳисобланади. Чунки иқтисодиётнинг ривожланиши - корхоналар ва ҳудудларда ишлаб чиқарилган товарларни тезроқ сотилиши - аҳоли талаб эҳтиёжларини тўлароқ қондирилиши ва барча ҳаражатларни ўз вақтида қопланиши ҳамда режадаги фойдага эришилишини англатади. Савдонинг мамлакат иқтисодиётидаги мавқеи бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида янада ошиб бормокда.

Ҳозирги кунда барча ривожланган мамлакатларда савдо соҳаси муҳим иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган иқтисодиётнинг асосий тармоғи ҳисобланади. Жаҳон ЯИМда савдонинг улуши 10% га яқин бўлса, бу соҳанинг аҳоли бандлигидаги улуши 13% га етади³⁷.

Келтирилган 1.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, савдо соҳаси барча иқтисодий ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотини яратишда ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.**1.2.1-жадвал**

Мамлакатлар ЯИМда ва аҳоли бандлигида савдонинг улуши (фоизда)³⁸

Давлатлар	ЯИМда	Аҳоли бандлигида
Россия Федерацияси	21,3	17,7
АҚШ	11,9	14,7
Буюк Британия	11,8	14,5
Франция	9,9	12,9
Хитой Халқ Республикаси	7,7	6,6
Белоруссия ³⁹	11,0	13,3
Ўзбекистон ⁴⁰	8,6	13,4

³⁷ Eurostat, US Census, 2008.

³⁸ US Census, Eurostat, Asian development bank, Росстат, 2008.

³⁹ Розничная и оптовая торговля в Республике Беларусь. Статистический сборник. - Минск 2013, 16 стр.

Мамлакатимиз ЯИМ таркибида савдо соҳасининг улуши 2014 йил бошида 8,5 фоиз⁴¹ни ташкил этди.

Бугунги кунда, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ичида савдо соҳасининг ўрни алоҳида. Савдо хизматининг жами хизматлардаги ҳиссаси 2011 йилда 21,0 % ни, 2012 йилда 22,1 % ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 22,4 фоизга етиб 2012 йилга нисбатан 0,3 банд (22,4-22,1) га кўпайган⁴² бўлса, савдо хизматини ўсиш суръатларини қишлоқ жойларда 2016 йилда 2012 йилга нисбатан 2,0 марта⁴³га, республика бўйича эса 2016 йилда 2011 йилга нисбатан 2,4 марта⁴⁴га ошириш кўзда тутилган.

Савдонинг ривожланиши минтақаларда сезиларли иқтисодий ўсишга, савдо корхоналарининг ривожланишига ва савдо хизматларининг юқори даражада сифатли бўлишига олиб келиши табиий.

Аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг бош омилларидан бири – савдо соҳасини илдам ривожлантириш, уни ислоҳ қилиш ва модернизациялашни талаб қилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари улушини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Уларнинг улуши ялпи ички маҳсулотда, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида, мамлакатимиз хизматлар бозорини ривожлантиришда, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларда муттасил ошиб бормоқда. Галдаги вазифа улар самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим. Ваҳоланки, айнан самарали фаолият олиб бораётган хизмат кўрсатиш субъектларигина юқорида санаб ўтилган ижобий натижаларни кўрсатишмоқда. Бундан кўриш мумкинки, хизмат кўрсатиш

⁴⁰ ЎзР Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

⁴¹ ЎзР Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари

⁴² www.stat.uz сайти маълумотлари асосида ҳисобланди

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелда “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-1957-сонли қарорининг 1-илоvasи.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорининг 1-илоvasи.

соҳаси субъектлари, жумладан савдо соҳаси субъектларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш объектив зарурият ҳисобланади.

Бугунги кунда савдо соҳаси корхоналарининг самарадорлигини ошириш объектив заруриятга айланди. Чунки, мазкур соҳа корхоналари самарадорлигининг оширилиши нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Савдо соҳаси корхоналарининг очилиши, кўп ҳолларда, нодавлат маблағлари эвазига янги иш ўринларини яратади. Самарқанд вилоятида аҳолининг бандлиги ва даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларини ҳал этиш борасида ҳам изчил чора-тадбирлар амалга оширилган. Президентимизнинг юқоридаги қарорига асосан аҳолига, айниқса қишлоқ аҳолисига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шу соҳа билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосда аҳолининг бандлик даражасини ошириш вазифаси ҳам юклатилган эди. Бу борада, вилоятда кичик корхоналар ва микрофирмаларда янги иш жойларини яратиш ва аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилган. 2014 йилда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурига биноан хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида вилоятда жами 17392 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, бу кўрсаткичнинг 2010-2014 йиллардаги жами сони 90886 тани ташкил этган (1.2.2-жадвал).

1.2.2-жадвал

Самарқанд вилоятида 2010-2014 йилларда хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш соҳаларида яратилган янги иш жойлари⁴⁵

(киши)

№	Кўрсаткич	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йилда 2010 йилга нисбатн	
							фарқи (+;-)	ўзгариш суръати, %
1	Яратилган янги иш жойлари	11880	18643	21762	21209	17392	5512	146,4

Хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланишда ташкил этилган янги иш жойларининг 2014 йилда барча йўналишларда яратилган янги иш ўринларидаги улуши вилоятда 18,3 фоизни ташкил этган. Умуман олганда вилоятда 2010-2014 йилларда хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланишда ташкил этилган янги иш жойларининг ўсиш тенденцияси кузатилиб, 2010 йилга нисбатан 2014 йилда хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланишда ташкил этилган янги иш жойлари сони вилоятда 5512 кишига ортган.

2. Аҳолининг савдо короналрида банд бўлган қисми (Самарқанд вилоятида чакана савдо корхоналарида 2014 йил бошида 10112 киши⁴⁶) шу жойдан маош олиб ўзи ва оиласининг фаровонлигини таъминлайди. Агар ушбу соҳада қанча самарадорлик юқори бўлса, шу ерда банд бўлганларнинг оладиган рағбати ҳам шунча юқори бўлади. Шунга мос равишда давлат бюджетига тушадиган маблағ ҳам муттасил ошиб боради.

3. Савдо корхоналари мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдиради. Биргина 2012 йилда 36946,4 млрд. сўм⁴⁷ истеъмол товарлари сотилган. Бу 2005 йилга нисбатан салкам 6,6 баровар кўп демакдир (1.2.2-жадвал).

⁴⁵ Самарқанд вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси маълумотларига асосан

⁴⁶ Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2014, 48 стр.

⁴⁷ Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2013, 23 стр.

1.2.3-жадвал

Сотилган истеъмол товарларининг мулк шакли бўйича 2005-2012
йилги тақсимоти (амалдаги нархларда)⁴⁸

Кўрсаткичлар	2005 йил		2013 йил		Фарки (+;-)		Ўзга риш суръати сумма %
	сумма, млрд. сўм	улуши %	сумма, млрд. сўм	улуши, %	сумма, млрд. сўм	улуши %	
Чакана товар айланмаси	5577,4	100	47010,8	100	41433,4	-	8,4 марта
Шу жумладан, Давлат мулки	38,9	0,7	83,8	0,2	44,9	-0,5	2,1 марта
Нодавлат мулки	5538,5	99,3	46927,0	99,8	41388,5	+0,5	8,5 марта
Шулардан фуқароларнинг хусусий мулки	4631,2	83,0	32990,2	70,2	28359,0	-12,8	7,1 марта

1.2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча чакана товар айланмасининг асосий қисми нодавлат секторига тўғри келади. Ушбу секторда товар айланмасининг ўсиш суръати умумий товар айланмасининг ўсиш суръатига нисбатан юқоридир: 2014 йил бошида 2005 йилга нисбатан 8,4 мартага тенг бўлган.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, чакана товар айланмаси билан шуғулланадиган хусусий савдо корхоналарининг самарадорлигини ошириш, нафақат бугуннинг, балки бу доимий эътиборда бўлиб турадиган муҳим ижтимоий - иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ишлардан биридир.

Савдо корхоналарини ривожлантиришнинг яна бир муҳим жиҳати, улар мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан ҳудудлар бўйича мутаносиб равишда тўлдириб боради. Сўнгги йилларда савдонинг бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичлари ўсиб бораётганини кузатишимиз мумкин (1.2.4-жадвал)

⁴⁸Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2006-2014, 23 стр.

1.2.4-жадвал

Республика макроиктисодий кўрсаткичлари ҳамда уларда савдонинг улуши (умумий овқатланишни кўшган ҳолда)⁴⁹

№	Кўрсаткичлар	Йиллар			2014 йилда 2012 йилга нисбатан	
		2012	2013	2014	Фарқи (+;-)	ўзгариш суръати%
1.	ЯИМ, млрд. сўм	78764,2	97929,3	118986,9	40222,7	151,1
	Шундан, чакана савдо ва умумий овқатланишнинг улуши, %	4,5	4,7	5,0	0,5	111,1
2.	Асосий фондлар, млрд. сўм	102575,9	123707,6	147794,5	45218,6	144,1
	Шундан, савдонинг улуши, %	3,1	3,2	3,5	0,4	112,9
3.	Фойда, млрд. сўм	7725,4	7699,8	11493,6	3768,2	148,8
	Шундан, савдонинг улуши, %	9,3	11,0	8,1	-1,2	87,1
4.	Асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм	17953,4	22797,3	28694,6	10741,2	159,8
	Шундан, савдонинг улуши, %	4,4	4,5	5,2	0,8	118,2
5.	Иқтисодиёт корхоналарида банд аҳоли сони, минг киши	4518,0	4385,8	4346,5	-171,5	96,2
	Шундан, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг улуши, %	3,9	3,7	3,5	-0,4	89,7

1.2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2012-2014 йиллар давомида мамлакатимизнинг макроиктисодий кўрсаткичлари тизимида бир мунча ўсиш кузатилган. Шу билан бирга савдо (умумий овқатланишни кўшган ҳолда)нинг улардаги улуши ҳам ортиб борган. Бу савдо (умумий овқатланишни кўшган ҳолда)да ўсиш даражаси иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан юқорироқ эканлигидан далолат беради.

Республикада чакана савдо (умумий овқатланишни кўшган ҳолда) соҳаси моддий техника базасининг ҳолати ҳам яхшиланиб бормоқда. Чунки, 2014 йил бошида ЯИМнинг 5,0 фоизи чакана савдо (умумий овқатланишни кўшган ҳолда) га тўғри келган бўлса, унинг асосий фондлардаги улуши 3,5 фоизни ташкил этган.

⁴⁹ Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2013, 12-13 стр. **Йил боши 1 январь ҳолатига**

4. Савдо соҳасининг ривожланиши шахримиз туризм салоҳиятини ҳам оширишга хизмат қилади. Чунки, Самарқандга ташриф буюрган туристлар саёҳат даврида турли хилдаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларини сотиб оладилар. Юқори даражадаги савдо маданияти ва хизмат хизмат кўрсатиш даражаси туристлар вақтини мазмунли ўтишига хизмат қилса, туризмдан тушадиган даромад ҳам ортиши муқаррар.

5. Самарқанд шаҳрида турли кўринишдаги ва қулайликларга эга бўлган, бугунги жаҳон андозаларига жавоб берадиган савдо корхоналари (“Фаровон”, “Ўзбегим”, “Корзинка”, “Ориён” супермаркетлари) сонининг ортиб бориши шахримиз кўркига ўзгача бир чирой бағишлаши билан бирга, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, уларни турли-туман истеъмол товарлари билан таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Ҳозирги даврда ҳар бир савдо корхонаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш учун юқори самарадорлик билан ишлашлари лозим экан. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини ошириш ҳамда аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлаш билан шуғулланадиган савдо корхоналарининг самарадорлигини ошириш нафақат бугунги кунда муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган ишлардан биридир.

1.3. Савдо корхоналари самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш йўллари

Иқтисодиётни модернизациялаш, кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар бериш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматлар таннархини камайтирган ҳолда корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш борасида олиб борилаётган ислохатлар уларнинг самарадорлигини ошишига олиб келади.

Рақобат кескинлашиб бораётган бугунги кунда савдо корхоналари самарадорлигини атрофлича ифодалаш учун, унинг барча томонларини камраб оладиган жуда кўплаб кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим бўлади.

Иқтисодий адабиётларда самарадорликнинг моҳияти, тушунчасига кўплаб ҳар хил қарашлар мавжудлиги каби, унинг ҳар хил мезонлари ва кўрсаткичлари тасниф қилинади. Кўпчилик муаллифлар самарадорлик нисбий кўрсаткич, деб таъкидлаб, у олинган (эришилган) натижа билан харажатлар нисбати орқали аниқланишини тавсия қилишади.

Бизнинг фикримизча «самара», «натижа» ўз табиатига биноан сон ва сифат кўрсаткичларида ифодаланади. Сон кўрсаткичлар сифатида абсолют миқдорлар – қиймат, натурал ва шартли ўлчов бирликларида ифодаланса, сифат кўрсаткичлари сифатида ҳар хил солиштирма (нисбий) кўрсаткичлар ишлатилиши мумкин.

Энди самарадорлик меъзони ҳақида фикрларимиз билан ўртоқлашамиз. Юқорида таъкидланган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “мезон” сўзига қуйидагича изоҳ берилган. Ушбу сўз ҳам араб тилидан олинган бўлиб “ўлчов, тарози; мувозанат, одиллик” маъноларини англатиши эътироф этилган. Бунга 6 та изоҳ берилган. Улардан иккитаси иқтисодиётга оид бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: “1. Тарози, ўлчов. 2. Таққослаш ёки баҳолаш учун ўлчов, андоза”⁵⁰. Энди юқоридаги икки сўздан иборат бўлган “самарадорлик мезони” сўз бирикмасига изоҳ бериш мумкин. “Самарадорлик мезони”, дейилганда фойдалилик ўлчови, натижавийлик ўлчови каби ўлчов билан боғлиқ маънолар келиб чиқади.

«Критерия» сўзи грекча «Kriterzin» сўзидан олинган бўлиб, унинг асосида нимагадир баҳо бериш аломати, нимадир аниқланиши ёки таснифи, ўлчови деган маънони билдиради⁵¹. «Критерия» атамасининг ўзбекча маъноси «мезон» сўзини англатади.

⁵⁰ Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.Мирзаев ва бошқ. ЎзРФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006, 578-б.

⁵¹ Словарь иностранных слов. М.: Русский язык. 1985. С. 262.

Мезонни ходисалар, жараёнлар, ҳолат ва бошқаларнинг сифат мазмуни ўлчови, улар тўғрисидаги фикрнинг аломати, деб тушуниш лозим. Унинг сон ўлчовлари кўрсаткичларда ўз аксини топади.

Савдо корхоналарининг самарадорлиги мезони тўғрисида фикр юритганда тизимли таҳлил, тизимли муносабатни ишлатиш лозим. Самарадорлик мезони ходисалар, жараёнлар ва ҳолатни сифат белгиси сифатида тармоқ ёки корхона фаолияти мақсадини акс эттириши зарур.

Савдо соҳасининг мақсади икки томонлама характерга эга бўлиб, бир томондан, аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талабини тўлароқ кондириш бўлса, иккинчи томондан оптимал миқдорда фойда олиш ёки оптимал рентабелликка эришишдир.

Ушбу кўрсаткичларни максималлаштириш савдо корхонаси самарадорлигининг мезони бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган назарий хулосалардан келиб чиқсак, савдо корхонаси самарадорлигининг ўлчов бирлиги сифатида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш зарур эканлигини асосламоқда.

Энди кўрсаткичлар, шу жумладан самарадорлик кўрсаткичларининг мазмунини қараб чиқамиз.

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий кўрсаткичлар, унинг таркибий қисми бўлган самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлардан иқтисодий адабиётларда ва амалиётда кенг фойдаланилаётганлигига қарамасдан, уларнинг тушунчаси ва таърифи ҳақидаги назарий масалалар иқтисодий адабиётларда етарли даражада ёритилмаган. Шу билан бирга уларнинг вазифалари ва функциялари ҳам назарий жиҳатдан кам ўрганилган. Бу эса иқтисодий адабиётларда, хусусан хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётига оид адабиётларда ҳам кўрсаткичлардан кўр-кўрона фойдаланишга, уларни илмий жиҳатдан асосланмаган ҳолда қўллашга олиб келмоқда. Натижада, айрим иқтисодий жараёнлар тегишли кўрсаткичларда ўз ифодасини етарли даражада тўлиқ топмасдан қолмоқда.

Буларни инобатга олиб, иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги тадқиқотни кўрсаткичнинг тушунчасини ва таърифини аниқлашдан бошлашни лозим, деб топдик. Бу борада олимлар ўртасидаги мунозаралар ҳам бўлган. Уларга тўлиқ тўхталиб ўтирмасдан, узоқ йиллар давомида қилинган кузатувлар ва тажрибаларга таянган ҳолда профессор М.Қ.Пардаев томонидан келтирилган қуйидаги таърифни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик: “Иқтисодий кўрсаткичлар деганда, иқтисодий жараёнлар, ходисалар ва уларнинг натижасини миқдор ва сифат жиҳатидан ифодаладиган номи ва ўлчамларига эга бўлган бирликлар тушунилади”⁵².

Иқтисодий кўрсаткичлар, ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида бир қанча функцияларни бажаради. Булар қуйидагилардан иборат: билдириш, бошқариш, назорат қилиш, рағбатлантириш, тарбиялаш. Ушбу масалалар алоҳида тадқиқотни талаб қилганлиги туфайли, бу ерда фақат уларни эслаш кифоя, деган хулосага келинди.

Кўриниб турибдики, “самарадорлик”, “самарадорлик мезони”, “самарадорлик кўрсаткичлари” каби тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда иқтисодий категория сифатида намоён бўлар экан.

Энди самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичларнинг назарий масалаларига тўхталишни лозим, деб топдик. Самарадорлик кўрсаткичлари иқтисодиётнинг бўғинларида қўлланилиши бўйича 3 гуруҳга бўлинади. Буни қуйидаги расмда кўриш мумкин (1.3.1-расм).



⁵² Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарқанд, “Зарафшон” нашриёти, 2001. – Б. 67.

1.3.1-расм. Иқтисодиётнинг бўғинлари бўйича самарадорлик кўрсаткичларининг ифодаланиши

Мазкур расмдан кўриниб турибдики, самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишда иқтисодиётнинг ҳар бир бўғинини инобатга олиш лозим. Чунки, макро даражада аниқланадиган самарадорлик кўрсаткичини микро даражадаги иқтисодиётга ва уни мос равишда, мезо даражадаги иқтисодиётга айнан қўллаб бўлмайди. Шу туфайли ҳар бирини ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш учун шу ҳолатда самарадорлик кўрсаткичларини ҳам аниқлашга тўғри келади.

Самарадорлик кўрсаткичлари иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича ҳам таснифланади. Бунда шунини инобатга олиш лозим бўладики, ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусияти мавжудлиги туфайли, уларнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари ҳам ўзига хосликка эга. Шу туфайли бу масалага ҳам алоҳида аҳамият бериш лозим бўлади. Бу қуйидаги чизмада ўз аксини топган (1.3.2-расм).



1.3.2-расм. Самарадорлик кўрсаткичларининг иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича таснифланиши

Савдонинг самарадорлигини ўлчаш ва баҳолашни қуйидаги аломатлар бўйича гуруҳлаш зарур:

биринчидан, умуман миллий иқтисодиёт манфаати нуқтаи назаридан;
иккинчидан, истеъмолчи (аҳоли) манфаати нуқтаи назаридан;

учинчидан, савдо корхонаси (мулкдор, бошқарув ходимлари ҳамда ишчилар) манфаати нуқтаи назаридан.

Миллий иқтисодиёт манфаати нуқтаи назаридан савдонинг самарадорлиги кўрсаткичи сифатида - «Савдонинг мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишдаги ҳиссаси» ёки «миллий даромадни яратишдаги ҳиссаси» тушунчаларини қўлланишини тавсия қиламиз.

Истеъмолчилар манфаати нуқтаи назаридан аҳолининг минимал истеъмол саватчасини қондириш (қиймат кўрсаткичлар)да:

аҳоли жон бошига тўғри келадиган товар айланмаси (товар гуруҳлари бўйича) истеъмол товарларининг физиологик ва рационал нормалари билан солиштира кўрсаткичи;

аҳоли харид фондини чакана товар айланиши билан камраб олиши кўрсаткичларини ишлатиш мумкин.

Савдо корхоналари манфаати нуқтаи назаридан:

чакана товар айланишининг (ҳақиқий ва солиштира баҳоларда) ҳажми ва унинг ўсиш суръатлари;

фойдани товар айланишига (ҳақиқий ва солиштира баҳоларда), капиталга, иш ҳақи фондига нисбатан (рентабеллик кўрсаткичлари);

меҳнат унумдорлиги (товар айланишини ишчилар сонига нисбати) миқдорини ортиши ва ўсиш суръатлари (ҳақиқий ва солиштира баҳоларда);

товар айрибошлаш тезлиги (ўртача товар захираларини бир кунлик товар айланишига нисбати – кунлар ҳисобида, товар айланишни ўртача товар захираларига нисбати – маротаба ҳисобида) кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Юқоридагилардан ташқари савдо корхоналари самарадорлигини тадқиқот этишда улар фойдаланадиган ресурсларнинг самарадорлигини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун савдо корхонасининг ресурслари – моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари самарадорлигини алоҳида-алоҳида кўрсаткичлар тизими орқали ўлчаш ва баҳолаш зарур бўлади.

Савдо корхоналарида самарадорлик кўрсаткичлари профессор Абдукаримов Б.А. томонидан чоп этилган “Савдо иқтисодиёти” ўқув қўлланмасида батафсил келтирилган ва бизлар ҳам диссертация ишимизда

улардан фойдаланамиз⁵³. Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда асосий фондлар самарадорлигини ифодаловчи учта кўрсаткич ишлатилади. Улар қуйидагилар:

$$\text{I. } A\Phi_k = \frac{TA}{A\Phi} \quad (A\Phi_k) \text{ асосий фондни қайтими}$$

$$\text{II. } A\Phi_c = \frac{A\Phi}{TA} \quad (A\Phi_c) \text{ асосий фондлар сифими}$$

$$\text{III. } A\Phi_p = \frac{\Phi \times 100}{A\Phi} \quad (A\Phi_p) \text{ асосий фондлар рентабеллиги, \% ҳисобида}$$

Бу ерда: ТА – товар айланиши суммаси;

Φ – фойда суммаси ;

АΦ - асосий фондлар суммаси.

Асосий фондлар рентабеллиги кўрсаткичи билан бир қаторда «Асосий фондлар даромадлиги» кўрсаткичи ҳам аниқланиши мумкин. Бу ҳолда «фойда» ўрнига «даромад» суммаси ишлатилади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар адабиётларда ва амалиётда корхонанинг барча мавжуд асосий фондларининг самарасини англатади, деб ҳисобланади. Аслида эса фондларнинг бир қисми ишлатилади.

Биз юқорида келтирилган «самарадорлик» тушунчасидан, яъни сарфланган (ишлатилган), истеъмол қилинган асосий фондларни самарасидан келиб чиқсак, асосий фондларнинг барча суммасини эмас, унинг сарфланган (ишлатилган) истеъмол қилинган қисмини ишлатилса ҳақиқатга яқинроқ кўрсаткич аниқланган бўлади.

Асосий фондларнинг сарфланган қисми унинг «амортизацияси»да ўз аксини топади ва шу сабабли «Асосий фондлар» ўрнига «амортизация» (А) суммасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Истеъмол қилинган асосий фондларни қайтими ($A\Phi_{и.к}$) қуйидагича аниқланади:

⁵³ Абдукаримов Б., Абдукаримов Ф.Б. Савдо иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. I-қисм, 2013-250-255 бетлар.

$$A\Phi_{u.k} = \frac{TA}{A}$$

Асосий фондлар сифими эса ($A\Phi_{u.c}$) куйидагича аниқланади:

$$A\Phi_{u.c} = \frac{A}{AT}$$

Асосий фондлар рентабеллиги ($A\Phi_{u.p}$):

$$A\Phi_{u.p} = \frac{\Phi \times 100}{A}$$

Асосий фондлар самарадорлигини таҳлил қилишда юқорида келтирилган кўрсаткичлар билан бирга куйидагиларни ҳам ишлатишни тавсия қиламиз.

Чакана савдода чакана савдо шахобчалари савдо майдонининг ишлатилиш коэффиценти (K_s)

$$K_s = \frac{ЧТА}{S_c}$$

Ушбу кўрсаткич 1 кв.м савдо майдонига қанча чакана товар айланиши тўғри келишини англатади.

Улгуржи савдода омборлар майдони ва улгуржи омбор товар айланиши ишлатилади.

Худди шундай чакана товар айланиши (улгуржи омбор товар айланиши) кўрсаткичлар ўрнига фойда «Ф» ишлатилса, майдонларни рентабеллиги аниқланади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун куйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади:

1. Айланма маблағларни (ёки ўртача товар захираларини) айланиш коэффиценти ($K_{ай.}$ ёки $K_{з.а}$) маротаба ҳисобида.

$$K_{ай.} = \frac{ТА}{\overline{АйМ}}; \quad K_{з.а} = \frac{ТА}{\overline{З}}$$

Бу ерда: ТА- чакана товар айланиши суммаси (кварталга ёки йилга);

$\overline{АйМ}$ - ўртача айланма маблағлар суммаси;

$\overline{З}$ - ўртача товар захиралари суммаси.

2. Ўз айланма маблағларини айланиш тезлиги коэффициенти (Кў.ай.)

$$K_{y.ay.} = \frac{TA}{\overline{A\dot{y}M}_y}$$

Биринчи ва иккинчи банддаги кўрсаткичлар айланма маблағларни, бир томондан, бирор-бир даврда ишлатилиш ҳолатини кўрсатади, иккинчи томондан, динамик қаторда таҳлил қилинса улардан фойдаланиш самарасини ҳам ифода қилади.

3. Айланма маблағларни (ёки товар заҳираларини) рентабеллиги (ёки даромадлиги) (Рай.м) қуйидагича аниқланади.

$$P_{ay.m} = \frac{\Phi \cdot 100}{\overline{A\dot{y}M}(\text{ёки}\bar{Z})};$$

$$P_{ay.m} = \frac{D \cdot 100}{\overline{A\dot{y}M}(\text{ёки}\bar{Z})};$$

Меҳнат ресурсларининг самарадорлиги кўрсаткичлари қуйидагича:

1. Ишчи ходимларни рентабеллиги ёки даромадлиги (Ри.х). Агарда яратилган қийматни $C + V + m$ деб ҳисобласак, рентабеллик қуйидагича ифодаланади:

$$P_{i.x} = \frac{m}{V}$$

C – доимий капитал ишлаб чиқариш воситалари;

V – ўзгарувчан капитал, иш ҳақи;

m – олинган фойда.

2. Меҳнаткашларнинг бўш вақти (дам олиш, ўқиш, малака ошириш жамоат ишлари, болалар тарбияси, жисмоний тарбия ва спорт, маданий дам олиш, маънавий эҳтиёжларни қондириш);

3. Ходимларни кўнимсизлик коэффициенти (ишдан кетган ва ҳайдалганлар: ўртача рўйхатдаги сонига);

4. Ходимларни қабул қилиш коэффициенти;

5. Меҳнат унумдорлиги;

6. Меҳнат унумдорлиги ва ўртача иш ҳақини солиштирма кўрсаткичи.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда савдо корхоналарида самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва уларни баҳолаш йўллари ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш учун тегишли ахборотлар таъминотини ташкил қилиш ўта ҳаётий зарур масалалар сирасига киради.

II-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА САВДО КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

2.1.Савдо корхоналари асосий фондлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Ҳар қандай иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектлар ўз маблағлари ҳисобидан асосий воситаларни шакллантиради. Улардан самарали фойдаланиш шу субъектнинг бугунги тақдирини ва келажак истиқболини белгилайди. Бунинг учун уларнинг мақсадга мувофиқ ишлашини таъминлаш билан бирга, юқори самарадорликка эришиш лозимлигини ҳам тақозо қилади.

Асосий фондларнинг умумий ҳажми, уларнинг ҳолати ва таркибий тузулишидаги ўзгаришлар ҳам бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай корхонани модернизация қилиш, деганда, биринчи галда асосий воситаларни алмаштириш, мавжуд технологияларни такомиллашган технологияларга алмаштириш, корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлаш орқали маҳсулот (иш, хизматлар) сифатини ошириш кабиларга қаратилган бўлиши керак. Шу билан бирга, ҳозирги шароит харажатларни камайтириш масаласини ҳам кун тартибига қўймоқда. Бу эса иқтисодиётни бошқаришдаги қарама-қаршиликларни келтириб чиқаради. Биринчидан, мавжуд технологияни тез алмаштириш ҳаётий заруриятга айланди. Шундай қилмаса тез такомиллашаётган иқтисодиётдан орқада қолиб кетиши мумкин. Бунинг учун эса катта миқдорда амортизация нормаси бўлиши керак, бу ўз навбатида маҳсулот (иш, хизмат) таннархини кескин ошириб юборади. Шу туфайли оптимал йўлни танлаш лозим бўлади.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун барча фондлардан фойдаланиш самарадорлигини тавсифловчи умумий кўрсаткичлар билан бир қаторда айрим фондлар гуруҳини тавсифловчи алоҳида кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичлари қаторига фонд қайтими, рентабеллик, фондлар билан таъминланганлик, асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигининг интеграл коэффициентини киритиш мумкин.

2.1.1-чизма.

Асосий фондларни самарадорлик кўрсаткичлари⁵⁴

№	Кўрсаткичларнинг номи	Кўрсаткичнинг мазмуни	Кўрсаткични ҳисоблаш усули (формуласи)
1	Асосий фондни қайтими (АФ _к)	1 сўм асосий фондга қанча товар айланиши (чакана, улгуржи) тўғри келишини англатади (ТА)	$A\Phi_k = \frac{TA}{A\Phi}$
2.	Асосий фондлар сиғими (АФ _с)	Асосий фондларни қайтимини тескариси, яъни 1 сўм товар айланишига қанча асосий фонд тўғри келишини кўрсатади.	$A\Phi_c = \frac{A\Phi}{TA}$
3.	Асосий фондлар рентабеллиги, % (АФ _р) ҳисобида	Асосий фондларнинг 1 сўмига неча фоиз фойда тўғри келишини кўрсатади	$A\Phi_p = \frac{\Phi \times 100}{A\Phi}$

Асосий фондлар самарадорлигини аниқлаш учун кўпчилик иқтисодчилар «фондлар қайтими», «фондлар сиғими» ва «фондлар рентабеллиги» каби кўрсаткичлар орқали аниқлашни тавсия қилишади. Амалиётда ҳам асосан, ушбу кўрсаткичлар ишлатилади. Уларни аниқланиш тартиби 2.1.1-чизмада келтирилган.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар корхонанинг барча, мавжуд асосий фондларини самарасини англатади. Аслида эса фондларнинг бир қисми ишлатилади.

Асосий фондларнинг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун бизлар 2.1.1-жадвални тузишни лозим топдик. Чунки асосий воситалар

⁵⁴ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, Т.: «Иқтисод-молия». I қисм. (2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри) 2010. 110-бет.

самарадорлиги таҳлил қилиш ҳозирги модернизация шароитида қўшимча маблағ сарфламасдан кўпроқ товарлар сотишга, пировард натижада эса фойданинг кўпайишига олиб келади. Демак асосий фондлар ҳар бир сўмга қанча товарлар сотганлик кўрсаткичи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

2.2.1-жадвал

Савдо корхоналари асосий фондлар самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2013 йил			2014 йил			2014 йилнинг 2013 йилга нисбатан ўзгариши, %		
		“Сиёб шароб савдо” ИБУК	“Sartepo oziq-ovqat savdo” MCHJ	“Ориён” хусусий корхонаси	“Сиёб шароб савдо” ИБУК	“Sartepo oziq-ovqat savdo” MCHJ	“Ориён” хусусий корхо наси	“Сиёб шароб савдо” ИБУК	“Sartepo oziq-ovqat savdo” MCHJ	“Ориён” хусусий корхо наси
1	Соф фойда, минг сўм	20523	883	72204	84703	16628	21840	4,1 марта	18,8 марта	30,2
2	Сотилган товарлар хажми, минг сўм	10230472	78036	54734	10623077	170755	676598	103,8	2,2 марта	12 марта
3	Асосий фондлар қиймати, минг сўм	33862	153690	45657	31862	172105	24050	94,1	112,0	52,7
4	Асосий фондларнинг рентабеллиги, % (1қ *100 : 3қ)	60,6	0,6	158,1	265,8	9,7	90,8	438,6	1681,6	57,4
5	Асосий фондлар қайтими, сўм (2қ : 3қ)	302,1	0,5	1,2	333,4	1,0	28,1	110,4	1,9 марта	234,6 марта
6	Асосий воситалар сиғими, сўм (3қ : 2қ)	0,0033	2,0	0,8	0,0030	1,0	0,04	90,6	51,2	4,3

Манба: Савдо корхоналари молиявий ҳисоботлари асосида ҳисобланди

Келтирилган 2.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014 йилда кузатилган барча савдо корхоналарида маҳсулотларни сотишдан тушган тушум ҳажми 2013 йилга нисбатан ўсиш тенденциясини ҳосил этган. Энг юқори ўсиш кўрсаткичи “Ориён” хусусий корхонасига тегишли бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йилга солиштирганда 12 мартага ошган.

2014 йилни учала савдо корхонаси ҳам фойда билан якунлаган. Аммо ушбу кўрсаткични ўтган йил билан таққослаганда эса энг юқори ўсиш кўрсаткичи “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ да кузатилиб фойда салкам 19 мартага ошган. Фойда кўрсаткичининг бу даражада ошганлигига асосий сабаб қилиб, корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажмининг 2,2 мартага ошганлигини келтириш мумкин. Фойда кўрсаткичи бўйича кейинги натижага “Сиёб шароб савдо” ИБУК эришган бўлиб, фойда 2013 йилга нисбатан 4,1 мартага ошган. “Ориён” хусусий корхонасининг фойдаси 2013 йилга солиштирганда эса 70,0 фоизга камайиб кетган.

Асосий фондлар қиймати кўрсаткичининг ўсиши фақат “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ да кузатилиб, 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 112,0 фоизга ошган бўлса, “Сиёб шароб савдо” ИБУК ва “Ориён” хусусий корхоналарида бу кўрсаткич 94,1 ва 52,7 фоизни ташкил этган.

Энг паст кўрсаткичга “Ориён” хусусий корхона эришган бўлиб, бунинг асосий сабаби савдо корхонасида асосий фондлар ўзининг амал қилиш муддатини ўтаб бўлганлигидир. Жумладан, 2014 йилда асосий воиталар қиймати 169885 минг сўм бўлиб, эскириш суммаси 145835 минг сўмни ташкил этган. Бунинг натижасида асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 24050 минг сўм (169885-145835) ни ташкил этган.

Бунинг натижасида асосий фондларнинг рентабеллиги (асосий фондларнинг 1 сўмига неча фоиз фойда тўғри келиши) 2014 йилда “Сиёб шароб савдо” ИБУКда 265,8 фоизни, “Ориён” хусусий корхонасида 90,8 фоизни ва “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ да 9,7 фоизни ташкил этган.

Асосий фондларнинг қайтими (маҳсулдорлиги, яъни асосий фондлар 1 сўмига қанча маҳсулот сотишдан тушган тушум тўғри келиши) 2014 йилда 2013 йилга нисбатан барча савдо корхоналарида ўсиши кузатилган. Жумладан, “Ориён” хусусий корхонасида 243,6 фоизга, “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНҲ да 1,9 баробарга ошган бўлса, “Сиёб шароб савдо” ИБУК да бу кўрсаткич маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажмининг бошқа корхоналарга нисбатан ўсиш суръатининг камлиги туфайли, яъни 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 103,8 фоизгина ошганлиги ҳисобига асосий фондларнинг қайтими 2014 йилда 31,3 сўм (333,4-302,1)га ва 3,8 фоизга кўпайган.

Асосий фондларнинг сифими (1 сўм товар айланиши (маҳсулот сотишдан тушган тушум)га қанча асосий фонд тўғри келиши) кўрсаткичи бўйича ўтган йилга нисбатан ҳисобот йилида ҳеч бир савдо корхонаси ижобий натижага эришмаган.

Умуман олганда, таҳлил қилинаётган даврда учала савдо корхонасида асосий фондлар самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич ҳисобланган асосий фондларнинг рентабеллиги кўрсаткичи, “Ориён” хусусий корхонасидан ташқари ҳисобот даврида 2013 йилга нисбатан ошганлигини ижобий деб баҳоласа бўлади.

2.2. Савдо корхоналари айланма маблағлари самарадорлигининг таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2014-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: “Бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида шиддат билан содир бўлаётган жараёнлар ва биринчи навбатда, қарама-қаршиликларнинг кучайиб бораётгани, жаҳон бозорларидаги вазиятнинг тез ўзгараётгани, ҳали-бери давом этаётган жаҳон

молиявий-иқтисодий инқироzi ва унинг оқибатлари, дунёнинг кўплаб давлатларида инвестиция фаоллигининг сусайиши ва ўсиш суръатларининг пасайиши мамлакатимиз иқтисодиётига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмасдан қолмайди, албатта.

Шундан келиб чиқиб, 2015-йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 108 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу борада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.

Биз ўз олдимизга истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 11,7 фоизга, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларини 11 фоиз ва ноозиқ-овқат товарларини 12,1 фоизга кўпайтириш, ушбу маҳсулотларни чакана савдо тармоғи орқали сотишни 14,2 фоизга ошириш вазифасини қўймоқдамиз.

Жорий йилда хизмат кўрсатиш соҳасини янада жадал суръатлар билан ривожлантириш мўлжалланмоқда. Хизматлар кўрсатиш ҳажмини 15,6 фоизга ошириш ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 54,5 фоизга етказиш назарда тутилмоқда⁵⁵, деб таъкидлади.

Бу вазифани уддалаш учун эса, мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган ютуқларни таҳлил этиш ва унинг асосида мавжуд барча ресурслардан, жумладан, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, тежамкорликка эришиш ва шу асосда маҳсулот (иш, хизмат)лар таннарини пасайтириш ва бошқалар зарур бўлади.

Шу сабабли, бугунги кунда, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларига кирувчи корхоналарда, жумладан, савдо корхоналарида моддий ва молиявий ресурслар таркибига кирувчи айланма маблағ (фонд)лардан оқилона ва самарали фойдаланиш масаласи ўта долзарб ҳисобланади.

Савдо корхоналарининг молиявий ва иқтисодий аҳволи ҳамда мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсиши кўп жиҳатдан

⁵⁵Каримов И.А. Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2015 йил 17 январь.

айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигига боғлиқ.

Ҳозирги модернизация шароитида қўшимча маблағ сарфламасдан кўпроқ товарлар сотишга, пировард натижада эса фойданинг кўпайиши учун айланма маблағлардан фойдаланиш самарадолигини ошириш ўта муҳим ҳисобланади.

Савдо корхоналарида ҳам айланма маблағлар самарадорлигини аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим бўлади. Чунки, уларнинг самарадорлигидан корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволининг доимий барқарорлиги таъминланади. Корхона учун айланма маблағларнинг аҳамияти жуда катта. Зеро, ундан қандай фойдаланишига қараб корхонанинг иқтисодий аҳволи ўнгланиб боради.

Ҳозирги пайтда айланма маблағлар қанча тез айланиши таъминланса, кўзланган фойдага ҳам беками-кўст эришилиши таъминланади. Шу туфайли ҳар бир хўжалик юритувчи субъектларда ушбу категориянинг ҳам самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим бўлади.

Савдо корхоналарида ҳам айланма маблағлар (жорий активлар) самарадолигини аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим бўлади. Чунки, уларнинг самарадорлигидан корхонанинг молиявий-иқтисодий аҳволининг доимий барқарорлиги таъминланади. Корхона учун айланма маблағларнинг аҳамияти жуда катта. Зеро, ундан қандай фойдаланишига қараб корхонанинг иқтисодий аҳволи ўнгланиб боради.

Таҳлилнинг кейинги босқичида бизлар корхонанинг айланма маблағлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини таҳлилини олиб боришни лозим топдик. Профессор Б.Абдукаримов савдо корхоналари айланма маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш учун таклиф этган кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиб⁵⁶ савдо корхоналари айланма маблағлари самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларини 2.2.2-жадвалда таҳлил қилиб ўтамыз.

⁵⁶ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик, Т.: «Иқтисод-молия». I қисм. (2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри) 2010. 121-122 бетлар.

2.2.2-жадвал

Савдо корхоналари айланма маблағлар самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2013 йил			2014 йил			2014 йилнинг 2014 йилга нисбатан ўзгариши, %		
		“Сиёб шароб савдо” ИБУК	“Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ	“Ориён” хусусий корхонаси	“Сиёб шароб савдо” ИБУК	“Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ	“Ориён” хусусий корхонаси	“Сиёб шароб савдо” ИБУК	“Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ	“Ориён” хусусий корхонаси
1	Соф фойда, минг сўм	20523	883	72204	84703	16628	21840	4,1 марта	18,8 марта	30,2
2	Сотилган товарлар хажми, минг сўм	10230472	78036	54734	10623077	170755	676598	103,8	2,2 марта	12 марта
3	Айл. маблағлар қиймати, минг сўм	1105797	47330	1466708	1252523	28857	1328735	113,3	61,0	90,6
4	Айл. маблағлар айланувчанлиги кунларда (3қ*360:2қ)	38,9	218,3	9646,9	42,4	60,8	707,0	109,1	27,9	7,3
5	Айл. маблағлар айланувчанлик коэффициенти, марта, (2қ : 3қ)	9,3	1,6	0,04	8,5	5,9	0,51	91,7	358,9	1364,5
6	Айл. маблағлар рентабеллиги, % (1қ *100 : 3қ)	1,9	1,9	4,9	6,8	57,6	1,6	3,6 бар	30,1 бар	33,4

Манба: Савдо корхоналари молиявий ҳисоботлари

2.2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики айланма маблағлар қиймати “Сиеб шароб савдо” ИБУКда 2014 йилда 113,0 фоизга кўпайган. Бу эса қуйидаги таҳлил натижаларига олиб келди:

- айланма маблағларнинг айланувчанлиги 2013 йилда 38,9 кунни, 2014 йилда эса 42,4 кунни ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 3,5 кунга кўпайганлиги салбий ҳолатдир. Чунки айланма маблағлар айланувчанлиги 3,5 кунга ортган;
- айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти (бир йилда корхона хўжалик фаолиятида айланма маблағларнинг неча марта айланганлиги) 2013 йилда 9,3 марта ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 8,5 мартани ҳосил қилган. Бу ҳам салбий ҳолатдир;

Айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, айланма маблағлар рентабеллилиги ҳисобланади. Айланма маблағлар рентабеллиги 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 4,9 пунктга кўпайган. Бундай ҳолат жуда ҳам ижобий ҳисобланади. Бу кўрсаткич корхона ҳар 100 сўм айланма маблағларига қанча фойда олганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичнинг кўпайиб кетишига асосий сабаб қилиб корхонада соф фойданинг 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 64180 минг сўмга кўпайишини келтиришимиз зарур. Умуман олганда корхонада айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар 2013 йилга нисбатан 2014 йилда ижобий томонга ўзгарганлигини кўриш мумкин.

“Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНҲ да 2013 йилга нисбатан 2014 йилда айланма маблағларнинг қиймати 18473 (47330-28857) миңг сўмга камайган. Айланма маблағларнинг камайишига асосан тайёр маҳсулотлар ҳажмининг камайганлиги билан изоҳланади. Бу эса корхонада товарларни сотиш яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Айланма маблағларнинг айланувчанлиги 2014 йилда 157,5 (60,8-218,3) кунга тезлашиб, айланма маблағларнинг бир йилда салкам 6 марта айланишга олиб келган. Соф фойданинг 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 18,8 баробарга ошиши ва айланма маблағларнинг камайиши эса “Sartepo oziq-

ovqat savdo” MCHJ da айланма маблағлар рентабеллигининг кўпайишига олиб келган. Айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб айланма маблағлар рентабеллиги ҳисобланади. Бу кўрсаткич савдо корхонаси ҳар 100 сўм айланма маблағларига неча фоиз фойда олганлигини кўрсатади. Айланма маблағлар рентабеллиги кўрсаткичи бўйича ўрганилаётган корхонада бу кўрсаткич 2013 йилда 1,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 57,6 фоизга етган ва ўтган йилга солиштирганда ҳисобот йилида $30,1 (57,6 \cdot 100 : 1,9) : 100$ баробарга ошган.

Умуман олганда айланма маблағлар рентабеллиги бўйича энг яхши натижага “Sartepo oziq-ovqat savdo” MCHJ эришган бўлиб, 2013 йилга таққослаганда 2014 йилда айланма маблағлар рентабеллиги 55,7 пункт $(57,6 - 1,9)$ га ёки 30,1 мартага ошган.

Хулоса қилиб айтганда, учала савдо корхоналари айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини 2013 йилга нисбатан 2014 йилда ижобий томонга ўзгарганлигини кўришимиз мумкин.

2.3. Савдо корхоналарида меҳнат ресурслари самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш йўллари

Ўзбекистон иқтисодиётида туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш шароитида меҳнат ресурсларини иш билан бандлигини таъминлаш муаммолари долзарб аҳамият касб этади. Чунки меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш орқалигина ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш мумкин.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “ишлашни хоҳловчиларни ҳаммасини иш билан таъминлабгина қолмасдан, энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтириш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида мукамал меҳнат бозорини шакллантириш,

ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахсларни тўла ҳисобга олиш ғоят муҳим аҳамият касб этади⁵⁷.

Бугунги кунда ривожланган аксарият мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ишсизлик даражаси (ишсизлик даражаси 2013 йил бошида АҚШда - 7,7%, Японияда – 4,2%, Буюк Британияда – 6,9% ва Германияда – 4,7% ни ташкил этган⁵⁸) нинг ошишига олиб келмоқда.

Бироқ, республикамизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат туфайли “ ... 2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани айниқса эътиборлидир⁵⁹”.

Бугунги кунда Президент И.А.Каримов кўрсатмалари асосида олиб борилаётган ислохотлар аҳолининг кенг қатламлари томонидан қўллаб қувватланган ягона тўғри йўл эканлиги амалда ўз исботини топди. Шу билан бирга, мамлакатда аҳоли турмуш даражаси ошишини таъминлашнинг энг тўғри йўли меҳнат ресурсларини ривожлантириб бориш, улардан самарали фойдаланиш йўллари аниқлаш ва чора-тадбирлар белгилашдир.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиши, шунингдек, олдимиздаги қатор ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни талаб қилади. Меҳнат ресурслари эса, маълумки, ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб, бошқа ресурсларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инсон меҳнатини тўғри ташкил этиш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан биридир. Шу жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларига кирувчи корхоналарда меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

⁵⁷ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998, 264-б.

⁵⁸ Мировая экономика: история и прогноз развития// <http://www.ereport.ru/>

⁵⁹ И.А.Каримов. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.//Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.

Корхоналарнинг керакли меҳнат ресурслари билан таъминланиши ва улардан оқилона фойдаланиш, меҳнат унумдорлигининг юқори даражада бўлиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда, ғоят улкан вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан ижтимоий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишнинг ҳал қилувчи шарти бўлган меҳнат унумдорлиги даражаси билан боғлиқдир.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш мулк шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд меҳнат ресурсларидан қандай фойдаланаётганлиги билан бир қаторда, у қанча харажатга тушаётганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шу боисдан корхонанинг меҳнат буйича ҳолати ёки рейтингини аниқлаш учун албатта меҳнат ресурслари самарадорлик кўрсаткичлари билан бирга меҳнат харажатлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ҳам олиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарида банд бўлган меҳнат ресурсларини таҳлил қилиш иқтисодий ишларнинг энг муҳим томонларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки ходимлар сони, ҳар бир корхона меҳнат салоҳияти ва малакали иш кучи билан таъминланганлигини ифодалайди ҳамда катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Замонавий бозор муносабатлари шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда меҳнат ресурслари кўрсаткичлари таҳлили корхона молиявий фаолияти таҳлилининг таркибий қисми ҳисобланади. Амалда савдо корхоналари фаолиятини тежамкорлик билан, меҳнат ресурсларидан иложи борича самарали фойдаланган ҳолда амалга оширишни таъминлаш зарурати юзага келади.

2.2.3-жадвал

Самарқанд шаҳридаги савдо корхоналари меҳнат ресурслари самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили

№	Кўрсаткичлар	2013 йил			2014 йил			2014 йилнинг 2013 йилга нисбатан ўзгариши, %		
		“Сиёб шароб савдо” ИБУК	“Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ	“Ориён” хусусий корхонаси	“Сиёб шароб савдо” ИБУК	“Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ	“Ориён” хусусий корхонаси	“Сиёб шароб савдо” ИБУК	“Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ	“Ориён” хусусий корхонаси
1	Соф фойда, минг сўм	20523	883	72204	84703	16628	21840	4,1 марта	18,8 марта	30,2
2	Сотилган товарлар хажми, минг сўм	10230472	78036	54734	10623077	170755	676598	103,8	2,2 марта	12 марта
3	Меҳнат ресурслари сони, киши	13	12	15	13	12	17	100,0	100,0	113,3
4	Меҳнат ресурслари фойдалилиги, минг сўм (1к : 3к)	1578,7	6503,0	3648,9	6515,6	14229,6	1284,7	412,7	218,8	26,7
5	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (2к : 3к)	786959,4	73,6	4813,6	817159,8	1385,7	39799,9	103,8	1883,1	11 бар

Манба: Савдо корхоналари молиявий ҳисоботлари

Савдо корхоналари меҳнат ресурслари самарадорлигини таҳлили
2.2.3-жадвалда келтирилган

2.2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кузатилган иккита савдо корхоналарида, яъни “Сиёб шароб савдо” ИБУК ва “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ соф фойданинг 2013 йилга нисбатан 2014 йилда ошиши ва ходимлар сонининг ўзгармаганлиги эвазига меҳнат ресурслари фойдалилиги (ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммаси) ўсиш тенденциясига эга. Бу айниқса, “Сиёб шароб савдо” ИБУК да кузатилган бўлиб, меҳнат ресурслари фойдалилиги суммаси 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 4936,8 минг сўм (6515,6-1578,8) га ёки 4,1 мартага ўсган. “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ бу кўрсаткич 2,2 мартага ошган.

“Сиёб шароб савдо” ИБУК да товар айланма ҳажмининг 2014 йилда ўтган 2013 йилга нисбатан 392605 кўпайганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам 30200,4 минг сўмга ортган. Бу ҳолат асосан корхонада меҳнат ресурслари сонининг ўзгармаганлиги ва товар айланмаси ҳажмининг ортиши натижасида содир бўлган. Умуман олганда меҳнатнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича “Сиёб шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси ижобий натижаларга эришган.

Олиб борилган таҳлилларимиз натижасида бизлар “Сиёб шароб савдо” ИБУК ва “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ меҳнат ресурсларининг барча кўрсаткичлари яхши ҳолатда эканлигига гувоҳ бўлдик. Аксинча, “Ориён” хусусий корхонасида эса меҳнат ресурслари самарадорлиги боғлиқ меҳнат ресурслари фойдалилиги кўрсаткичи пастлиги аниқланди. Бунинг асосий сабабларидан бири эса соф фойда камлиги аниқланди. Бу корхона раҳбари келгусида маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш эвазига фойда миқдорини кўпайтириш, меҳнат унумдорлиги ошириш бўйича зарур ишларни амалга ошириш даркор. Сабаби ҳеч бир корхона меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш эвазига меҳнат унумдорлигига эришиш ва натижада ҳар бир корхонанинг асосий мақсадларидан бири бўлган фойдани кўпайтиришга қарши эмас, аксинча корхоналар бундан манфаатдор бўлади.

3-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ САВДО КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Самарқанд вилоятидаги савдо корхоналари самарадорлигини ошириш йўллари

Мамлакатимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари улушини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Уларнинг улуши ялпи ички маҳсулотда, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида, мамлакатимиз хизматлар бозорини ривожлантиришда, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларда муттасил ошиб бормоқда. Галдаги вазифа улар самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим. Ваҳоланки, айнан самарали фаолият олиб бораётган хизмат кўрсатиш субъектларигина юқорида келтирилган ижобий натижаларга эришмоқдалар. Бундан кўриш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари, жумладан, савдо соҳаси субъектларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш долзарб ҳисобланади.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти чуқур ислохотларни амалга оширишни талаб қилади. Барча корхоналар хўжалик фаолияти самарадорлигини оширувчи тадбирларни амалга ошириши зарур. Самарали ташкил этилган иқтисодиётга ўтиш ҳар тамонлама ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан таъминланган бўлиши лозим.

Корхоналар хўжалик фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш ҳар доим ҳам долзарб масала бўлган.

Самарадорлик умуман олганда, (юқорида таъкидланганлигидек) “натижавийлик” мазмунини билдиради. Қандайдир бир натижага экстенсив ва интенсив омилларни қўллаш асосида эришилади. Тадқиқотларимиз натижасида савдо корхоналари самарадорлигига таъсир этувчи экстенсив ва интенсив омилларни қуйидагича гуруҳладик (3.1.1-чизма).

Савдо корхоналари фаолияти самарадорлигини оширувчи омиллари⁶⁰

Экстенсив омиллар	Интенсив омиллар
Савдо шахобчаларини кўпайтириш	Савдо корхоналарини модернизация қилиш махсус дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш
Ходимлар сонини кўпайтириш	Бошқаришни такомиллаштириш
Савдо майдонларини кенгайтириш	Ходимларни моддий рағбатлантиришни ривожлантириш
Товарлар ассортиментини кенгайтириш	Ходимлар малакасини ошириш
	Корхоналар фаолиятни оптимал режалаштириш ва прогнозлаш
	Бозор ахборотларини таҳлил қилишни такомиллаштириш
	Маркетинг тадқиқотларини ривожлантириш
	Товарларни ташиш миқдорини оптималлаштириш ва тезлигини орттириш
	Товарлар ҳаракати бўғинларини камайтириш
	Тармоққа илмий-техника ютуқларини кенг жорий қилиш
	Ходимлар меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқалар

Савдо корхоналарининг асосий мақсади бир томондан, аҳолининг истеъмол товарларга бўлган талабини ҳар томонлама қондириш ва маданиятли хизмат кўрсатиш бўлса, иккинчи томондан, ўз фаолиятидан тегишли фойда (даромад) олишдир. Савдо корхоналари товарларни сотиш натижасида иқтисодий-ижтимоий самарадорликка эришади-аҳоли талабини қондиради ва иқтисодий ресурсларни такрор айланишини таъминлайди.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда ““Ориён” хусусий корхонасида хўжалик фаолияти ривожланиш ўрнига бироз пасайиб, самарадорлиги тушиб бормоқда. Бунга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин:

- корхона ишчиларининг корхона фаолиятида иштирок этишдан манфаатдорлиги камлиги;

⁶⁰ Нормуродов У.Н. “Савдо корхоналари самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари” // – «Biznes-Эксперт». Иқтисодий илмий-амалий журнал. 2013 йил, 7–8 сон. 41 б.

- бошқа савдо корхоналарига нисбатан товарлар нархининг юқорилиги;

- корхоналарнинг бугунги рақобат шароитига мослаша олмаётганлиги;

- сотилаётган товарлар ассортиментининг бошқа савдо корхоналарига нисбатан камлиги;

Юқорида санаб ўтилган муаммолар “Ориён” хусусий корхонасининг самарали фаолият юритишига салбий таъсир қилмоқда. Бу айниқса ислохотлар чуқурлашиб бораётган бугунги кунда яққолроқ сезилмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида олиб борилаётган ислохотлар корхоналарни мустақил равишда фаолият юритиши, талаб ва таклиф асосида товарлар ассортиментини шакллантириши, самарадорликни таъминлаш чораларини ишлаб чиқиши замон талаби ҳисобланади.

Бизнингча “Ориён” хусусий корхонасида самарадорликни ошириш учун қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- товарлар сотилмай қолишининг олдини олиш мақсадида истеъмолчилар талабини чуқур ўрганиб, сўнгра товарларни келтириш;

- товарлар бузилиши ва турли йўқолишларининг олдини олиш мақсадида товарларни сақлаш шароитларини яхшилаш ва моддий жавобгарликни ошириш;

- товарларни харид қилишда таъминотчи улгуржи савдо корхоналарини танлашда уларнинг ишончлилигини ўрганиш;

- ишончли таъминотчи корхоналар билан доимий савдо алоқаларини ўрнатиш;

- истеъмолчиларга товарларга бўлган қизиқишларини товар тўғрисида батафсил ва тўғри маълумотларни бериш орқали товарларни сотиш;

- товарлар ассортиментининг турли туманлигини таъминлаш;

- кўрсатилаётган савдо хизматининг юқори даражасига эришиш.

- сотувчиларнинг юқори малакали бўлишлари;

- товарлар ва хизматлар нархининг бошқа рақобатчиларга нисбатан пастлиги;
- доимий харидорларини рағбатлантириб туриш;
- турли акцияларни мунтазам ўтказиб туриши (масалан Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган “**Саф савдо**” магазинларида ҳафтанинг ҳар якшанба кунлари барча товарлар нархи 5 % га арзон сотилса, Самарқанд шаҳридаги “**Корзинка**” супермаркетида эса ҳафтанинг барча кунларида маълум турдаги товарлар нархи 5 % га арзон сотилади);
- ўз товарлари ва хизматларини харидорларга доимо ОАВ (телевидения, радио, интернет саҳифалари) воситаларида реклама орқали етказиш (Россиянинг “Eldorado” ва “Пятёрочка” супермаркетлари доимо телевизорларда ўзларининг товарлари ва хизматларини реклама қилишади);
- савдо корхонасининг аҳолига яқин ва қулай жойда жойлашиши;
- савдо сервисининг сифати ва бошқалар⁶¹.

3.2. Савдо корхоналари ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида барча корхоналар хўжалик фаолияти самарадорлигини оширувчи тадбирларни амалга ошириши зарур. Самарали ташкил этилган иқтисодиётга ўтиш ҳар тамонлама ривожланган ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари билан таъминланган бўлиши лозим.

Тадқиқотлар натижасида “Ориён” хусусий корхонаси ресурслари самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини қуйидаги йўналишларда ишлаб чиқдик:

- асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган;
- айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган;

⁶¹ Нормуродов У.Н. Савдо корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари. Илмий-услубий қўлланма. – Самарқанд.: СамИСИ, 2013 й, 26-28 бетлар.

- меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиёт миқёсида баҳолаш қийин. Бу муаммонинг ечими товар (иш, хизмат)ларни сотиш ҳажмининг ошишига, аҳоли истеъмолини тўлароқ кондирилишига, мамлакатда ускуналар балансининг ошишига, маҳсулот (иш, хизмат) таннархининг камайишига олиб келади.

Асосий фондлардан нисбатан тўлароқ фойдаланиш янги қувватларни жалб қилиш каби эҳтиёжларнинг камайишига олиб келади.

Хуллас, асосий фондлардан самарали фойдаланиш иқтисодий ислохотларнинг муҳим вазифаси ҳисобланган – ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматлар сифатини ошиши, рақобат шароитида маҳсулот ва хизматларнинг тез реализация қилиниши билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Асосий фондлардан самарали фойдаланиш уларнинг самарадорлигини оширишга таъсир қилувчи интенсив ва экстенсив омиллардан қанчалик тўлиқ фойдаланилаётганлигига боғлиқ.

Асосий фондлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўли - ортиқча ускуналар миқдорини камайитириш ва ўрнатилмаган ускуналарни ишлаб чиқаришга тезроқ жалб этиш ҳисобланади. Меҳнат воситалари катта қисмининг бекор туриши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ўстириш имкониятларининг қисқаришига, ускуналарнинг бекордан бекор жисмоний эскиришига ва узоқ вақт ишламасдан сақланиш натижасида уларнинг яроқсиз аҳволга келиб қолишига сабаб бўлади. Вақт ўтиши билан яхши сақланган ускуналар ҳам маънавий эскириш натижасида жисмоний эскирган ускуналар қаторига қўшилиб қолади.

Асосий фондлардан фойдаланиш интенсивлигини ошириш қуйидагиларни талаб қилади:

- меҳнат қуролларини такомиллаштириш;

- меҳнатни илмий ташкил этишни ва бошқаришни такомиллаштириш;

- ишчиларнинг профессионаллиги ва билимини ошириш;
- хизмат кўрсатиш жараёнидаги нуқсонларни бартараф қилиш.

Техника ривожланиши ва шу билан боғлиқ равишда жараёнларни интенсивлаштириш чегараланмаган. Шунинг учун асосий фондлардан фойдаланишни интенсив ошириш имкониятлари ҳам чегараланмаган.

Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш корхона фаолиятини нормал таъминлашда, фаолият рентабеллигини оширишда катта роль ўйнайди. Бироқ, айрим корхоналар ҳозирда эга бўлган ўзининг молиявий ресурслари нафақат кенгайтирилган, ҳатто оддий такрор ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ миқдорда таъминлашга етмайди. Корхонада зарур молиявий ресурсларнинг йўқлиги, тўловлар интизоми даражасининг пастлиги ўзаро тўламасликларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Корхоналарнинг ўзаро қарздорлиги - иқтисодиётнинг ўзига хос хусусияти. Шаклланаётган янги бозор муносабатларига айрим корхоналар тез мослаша олмади, мавжуд айланма маблағлардан оқилона фойдаланмайдиган, молиявий захираларни шакллантирмайди. Шуниси муҳимки, инфляция, хўжалик қонунчилигининг нобарқарорлиги шароитида тўловларни амалга оширмаслик бир қатор корхоналарнинг тижорат манфаатлари доирасига кирди. Улар атайлаб таъминотчилар билан ҳисоб-китобларни кечиктирадиган ва бу орқали сўм харид қобилиятининг пасайиши ҳисобига ўз тўлов мажбуриятларини камайтирадиган.

Айланма маблағлар айланивчанлигининг тезлашиши ҳозирги шароитда савдо корхоналарининг бирламчи вазифаси ҳисобланади ва қуйидаги йўллар билан эришилади:

- товар моддий захираларини тузиш босқичида иқтисодий асосланган захира нормаларини жорий этиш;
- савдо хизматларининг истеъмолчиларга яқинлашуви;

- таъминотнинг омбор тизимини, шунингдек, улгуржи савдони кенгайтириш;
- омборлардаги ишларнинг комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш;
- ҳисоб-китоб тизимини мукаммаллаштириш;
- бевосита алоқалар бўйича буюртмаларини бажариш;
- тузилган битимларга мувофиқ жўнатилган товарларни партиялар, ассортиментлар, транзит нормаси бўйича танлаш.

Меҳнат унумдорлиги манбаларини излаш, бу манбаларни амалга ошириш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва бу тадбирларни бевосита қўллаш корхонадаги таҳлилий ишларнинг асосий босқичи ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини ошириш манбалари, деганда жонли ва моддийлашган меҳнат сарфини иқтисод қилишнинг ҳали фойдаланилмаган имкониятлари тушунилади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш манбаларини қуйидаги йўналишларини келтириш мумкин:

- янги ускуналарни ва янги технологик жараёнларни тадбиқ этиш;
- хизмат кўрсатиш меъёри ва ҳудудини ошириш;
- меъёрларни бажармайдиган ходимлар сони камайтириш;
- бошқарув структурасини соддалаштириш;
- иш вақтини ўзгартириш;
- хизмат кўратишнинг ихтисослашганлик даражасини ошириш;
- товарлар алоҳида турларининг ҳиссасини ўзгартириш;
- янги товарлар ҳиссасини ўзгартириш.

Юқорида келтирилган чора-тадбирларни “Ориён” хусусий корхонаси хўжалик фаолиятига қўллаш фикримизча, ўзининг ижобий натижасини беради.

3.3. Савдо корхоналарида меҳнат муҳофазаси ва ёнги хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Шунга кўра, корхоналарда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармок назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам қонунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат

ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус химоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат конунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Гос энергоназор), прокуратура шунингдек касаба союз органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба союзларнинг ишлаб чиқаришдаги кумиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат конунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид бўлган курикларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ходисаларни тугри ҳисобга орлинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал химоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш уринларини текшириши мумкин.

Мехнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектор хужаликнинг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У мехнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг ўз вақтида ўтказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуқлигини аниқлаш, чиқиндиларни ўз вақтида йиғиштириб олиниши, ўтиш жойлари ва иш ўринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржом, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Қорхоналарда қасаба союзи қошида мехнат техникавий инспектори тайинланади. У мехнат қонунчилиги бўйича ишларни қасаба союзига қарашли қорхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган қорхона ва хоналар унинг ижозатсиз фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йўл ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буғ қозонлари, электр станциялари, қишлоқ хўжалиги қорхоналаридаги кўтариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат кўрсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун қорхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Қорхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида мехнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай қорхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган ҳом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси

ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учқун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва

газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнгин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармокдариди юз бериб, етказадиган зарари жихатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга - захарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнгинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнгинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойихалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинадиган ёнгин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнгин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнгин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;

- ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли концентратияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
- ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;
- ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
- белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;
- хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

Савдо корхоналари бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам захарли ва захарсиз турларига бўлинади. Шунинг учун корхона объектлари ва майдонларини ёнғин ўчириш моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

Хулоса ва таклифлар

Диссертация ишида кузатилган савдо корхоналари фаолияти самарадорлигини таҳлили ва уни ошириш йўлларини ўрганиш қуйидаги хулосаларни қилишга имконият берди:

1. Самарадорлик дейилганда, мулк шаклидан қатъий назар, барча мавжуд ресурсларнинг самарали фойдаланиши ва харажатларнинг тежамкорлигини таъминлаш эвазига жамият, давлат, мулкдор, корхона, иш кучи соҳиби каби субъектларнинг манфаатлари муштараклигини таъминлашга қаратилган, улар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуи тушунилади.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида савдо корхоналарининг асосий мақсади тасарруфидаги барча ресурслардан максимал даражада фойдаланиш асосида юқори натижаларга, яъни самарадорликка эришиш ҳисобланади.

3. Савдо корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишда мавжуд ресурсларидан оқилona фойдаланиш муҳим ўринни эгаллайди. Асосий фондлар самарадорлиги таҳлил қилиш ҳозирги шароитда қўшимча маблағ сарфламасдан кўпроқ товарлар сотишга, пировард натижада эса фойданинг кўпайишига олиб келади.

4. 2014 йилда кузатилган барча савдо корхоналарида маҳсулотларни сотишдан тушган тушум ҳажми 2013 йилга нисбатан ўсиш тенденциясини ҳосил этган. Энг юқори ўсиш кўрсаткичи “Ориён” хусусий корхонасига тегишли бўлиб, бу кўрсаткич 2013 йилга солиштирганда 12 мартага ошган.

2014 йилни учала савдо корхонаси ҳам фойда билан якунлаган. Аммо ушбу кўрсаткични ўтган йил билан таққослаганда эса энг юқори ўсиш кўрсаткичи “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНҲ да кузатилиб фойда салкам 19 мартага ошган. Фойда кўрсаткичининг бу даражада ошганлигига асосий сабаб қилиб, корхонада маҳсулот сотишдан тушган тушум ҳажмининг 2,2 мартага ошганлигини келтириш мумкин. Фойда кўрсаткичи бўйича кейинги

натижага “Сиёб шароб савдо” ИБУК эришган бўлиб, фойда 2013 йилга нисбатан 4,1 мартага ошган. “Ориён” хусусий корхонасининг фойдаси 2013 йилга солиштирганда эса 70,0 фоизга камайиб кетган.

Асосий фондлар қиймати кўрсаткичининг ўсиши фақат “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ да кузатилиб, 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 112,0 фоизга ошган бўлса, “Сиёб шароб савдо” ИБУК ва “Ориён” хусусий корхоналарида бу кўрсаткич 94,1 ва 52,7 фоизни ташкил этган.

Энг паст кўрсаткичга “Ориён” хусусий корхона эришган бўлиб, бунинг асосий сабаби савдо корхонасида асосий фондлар ўзининг амал қилиш муддатини ўтаб бўлганлигидир. Жумладан, 2014 йилда асосий воиталар қиймати 169885 минг сўм бўлиб, эскириш суммаси 145835 минг сўмни ташкил этган. Бунинг натижасида асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 24050 минг сўм (169885-145835) ни ташкил этган.

Бунинг натижасида асосий фондларнинг рентабеллиги (асосий фондларнинг 1 сўмига неча фоиз фойда тўғри келиши) 2014 йилда “Сиёб шароб савдо” ИБУКда 265,8 фоизни, “Ориён” хусусий корхонасида 90,8 фоизни ва “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ да 9,7 фоизни ташкил этган (2.2.1-жадвал).

5. Айланма маблағлар қиймати “Сиёб шароб савдо” ИБУКда 2014 йилда 113,0 фоизга кўпайган. Бу эса қуйидаги таҳлил натижаларига олиб келди:

- айланма маблағларнинг айланувчанлиги 2013 йилда 38,9 кунни, 2014 йилда эса 42,4 кунни ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 3,5 кунга купайганлиги салбий ҳолатдир. Чунки айланма маблағлар айланувчанлиги 3,5 кунга ортган;
- айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти (бир йилда корхона хўжалик фаолиятида айланма маблағларнинг неча марта айланганлиги) 2013 йилда 9,3 марта ни ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 8,5 мартани ҳосил қилган. Бу ҳам салбий ҳолатдир;

Айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, айланма маблағлар рентабеллилиги ҳисобланади. Айланма маблағлар рентабеллиги 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 4,9 пунктга купайган. Бундай ҳолат жуда ҳам ижобий ҳисобланади. Бу кўрсаткич корхона ҳар 100 сўм айланма маблағларига қанча фойда олганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичнинг купайиб кетишига асосий сабаб қилиб корхонада соф фойданинг 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 64180 минг сўмга купайишини келтиришимиз зарур. Умуман олганда корхонада айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар 2013 йилга нисбатан 2014 йилда ижобий томонга ўзгарганлигини кўриш мумкин.

“Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНҲ да 2013 йилга нисбатан 2014 йилда айланма маблағларнинг қиймати 18473 (47330-28857) миңг сўмга камайган. Айланма маблағларнинг камайишига асосан тайёр маҳсулотлар ҳажмининг камайганлиги билан изоҳланади. Бу эса корхонада товарларни сотиш яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Айланма маблағларнинг айланувчанлиги 2014 йилда 157,5 (60,8-218,3) кунга тезлашиб, айланма маблағларнинг бир йилда салкам 6 марта айланишга олиб келган. Соф фойданинг 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 18,8 баробарга ошиши ва айланма маблағларнинг камайиши эса “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНҲ да айланма маблағлар рентабеллигининг кўпайишига олиб келган. Айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб айланма маблағлар рентабеллилиги ҳисобланади. Бу кўрсаткич савдо корхонаси ҳар 100 сўм айланма маблағларига неча фоиз фойда олганлигини кўрсатади. Айланма маблағлар рентабеллиги кўрсаткичи бўйича ўрганилаётган корхонада бу кўрсаткич 2013 йилда 1,9 фоизни ташкил қилган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 57,6 фоизга етган ва ўтган йилга солиштирганда ҳисобот йилида $30,1 \text{ (} 57,6 \cdot 100 : 1,9 \text{):} 100$ баробарга ошган.

Умуман олганда айланма маблағлар рентабеллилиги бўйича энг яхши натижага “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНҲ эришган бўлиб, 2013 йилга

таққослаганда 2014 йилда айланма маблағлар рентабеллиги 55,7 пункт (57,6-1,9)га ёки 30,1 мартага ошган (2.2.2-жадвал).

6. Кузатилган иккита савдо корхоналарида, яъни “Сиёб шароб савдо” ИБУК ва “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ соф фойданинг 2013 йилга нисбатан 2014 йилда ошиши ва ходимлар сонининг ўзгармаганлиги эвазига меҳнат ресурслари фойдалилиги (ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммаси) ўсиш тенденциясига эга. Бу айниқса, “Сиёб шароб савдо” ИБУК да кузатилган бўлиб, меҳнат ресурслари фойдалилиги суммаси 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 4936,8 минг сўм (6515,6-1578,8) га ёки 4,1 мартага ўсган. “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ бу кўрсаткич 2,2 мартага ошган.

“Сиёб шароб савдо” ИБУК да товар айланма ҳажмининг 2014 йилда ўтган 2013 йилга нисбатан 392605 кўпайганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам 30200,4 минг сўмга ортган. Бу ҳолат асосан корхонада меҳнат ресурслари сонининг ўзгармаганлиги ва товар айланмаси ҳажмининг ортиши натижасида содир бўлган. Умуман олганда меҳнатнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича “Сиёб шароб савдо” ихтисослашган база унитар корхонаси ижобий натижаларга эришган.

Олиб борилган таҳлилларимиз натижасида бизлар “Сиёб шароб савдо” ИБУК ва “Sartepo oziq-ovqat savdo” МСНЖ меҳнат ресурсларининг барча кўрсаткичлари яхши ҳолатда эканлигига гувоҳ бўлдик. Аксинча, “Ориён” хусусий корхонасида эса меҳнат ресурслари самарадорлиги боғлиқ меҳнат ресурслари фойдалилиги кўрсаткичи пастлиги аниқланди (2.2.3-жадвал).

7. Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда “Ориён” хусусий корхонаси хўжалик фаолияти ривожланиш ўрнига бироз пасайиб, самарадорлиги тушиб бормоқда. Бунга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин:

- корхона ишчиларининг корхона фаолиятида иштирок этишдан манфаатдорлиги камлиги;

- бошқа савдо корхоналарига нисбатан товарлар нархининг юқорилиги;
- корхоналарнинг бугунги рақобат шароитига мослаша олмаётганлиги;
- сотилаётган товарлар ассортиментининг бошқа савдо корхоналарига нисбатан камлиги;
- савдо майдонинг камлиги ва бошқалар.

8. Бизнинг фикримизча “Ориён” хусусий корхонасида самарадорликни ошириш учун қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- товарлар сотилмай қолишининг олдини олиш мақсадида истеъмолчилар талабини чуқур ўрганиб, сўнгра товарларни келтириш;
- товарлар бузилиши ва турли йўқолишларининг олдини олиш мақсадида товарларни сақлаш шароитларини яхшилаш ва моддий жавобгарликни ошириш;
- товарларни харид қилишда таъминотчи улгуржи савдо корхоналарини танлашда уларнинг ишончлилигини ўрганиш;
- ишончли таъминотчи корхоналар билан доимий савдо алоқаларини ўрнатиш;
- истеъмолчиларга товарларга бўлган қизиқишларини товар тўғрисида батафсил ва тўғри маълумотларни бериш орқали товарларни сотиш;
- товарлар ассортиментининг турли туманлигини таъминлаш;
- кўрсатилаётган савдо хизматининг юқори даражасига эришиш.
- сотувчиларнинг юқори малакали бўлишлари;
- товарлар ва хизматлар нархининг бошқа рақобатчиларга нисбатан пастлиги;
- доимий харидорларини рағбатлантириб туриш;
- турли акцияларни мунтазам ўтказиб туриши;

- ўз товарлари ва хизматларини харидорларга доимо ОАВ (телевидения, радио, интернет саҳифалари) воситаларида реклама орқали етказиш;

- савдо корхонасининг аҳолига яқин ва қулай жойда жойлашиши;

- савдо сервисининг сифати ва бошқалар.

Мазкур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш “Ориён” хусусий корхонаси хўжалик фаолиятида ижобий натижа беради, деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон. 2014 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида, 1990 йил 31 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, 1991 йил 19 ноябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, 1993 йил 6 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. – Т.: Адолат, 1996.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида, 2000 йил 25 май.
7. Ўзбекистон Республикасининг қонуни: Хусусий корхона тўғрисида, 2003 йил 11 декабрь.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли Қарори
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелдаги “2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-1957-сонли Қарори.
10. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.Т.2.-Т.:Ўзбекистон, 1996.
11. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.
12. Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. //Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда

молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом». 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган (кейинги ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Қарори. 2000 йил 22 сентябр, № 365.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги 439-сонли қарори билан тасдиқланган «Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар КЛАССИФИКАЦИЯСИ»га мувофиқ микрофирмаларга кирувчи аудиторлик ташкилотларида ходимларнинг чегаравий сони 1 кишидан 20 кишигача, кичик корхоналарга кирувчи аудиторлик ташкилотларида ходимларнинг чегаравий сони 21 кишидан 50 кишигача этиб белгиланган.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш меъёрларини такомиллаштириш тўғрисида” Қарори. 2002-йил 28-феврал 71-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида" Қарори. 2009 йил 21июль. №206.

IV. Илмий монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар

18. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Иқтисод-молия”. I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган наشري, 2010.

19. Абдукаримов Б. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Фан ва технологиялар”, 2013.

20. Борисов А.Б. Большой экономический словарь – М.: Книжный Мир, 1999.

21. Джураев Х.З. ва Джурабекова З.Х. Корхона иқтисодиёти. Маъруза матни. - Т.: ТДИУ, 2007

22. Йўлдошев Н. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. 2005.

23. Кравченко С.А. Социально-экономический русско-английский словарь –М.: Астрель, 2004.

24. Нормуродов У.Н. Савдо корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари. Илмий-услубий қўлланма. – Самарқанд.: СамИСИ, 2013 й

25. Нормуродов У.Н. “Савдо корхоналари самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари” // – «Biznes-Эксперт». Иқтисодий илмий-амалий журнал, 7–8 сон, 2013 йил.

26. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарқанд, “Зарафшон” нашриёти, 2001

27. Сариқов Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма.–Т.: “Шарқ” нашриёти, 1997.

28. Ўзбекистон Республикасининг йиллик статистик тўплами.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, 2012.
29. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. 100 савол ва жавоб -Т.: “Меҳнат”, 2000.
30. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М.: «Рус тили» нашриёти. 1981.
31. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Т.Мирзаев ва бошқ. ЎзРФА Тил ва адабиёт ин-ти. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006.
32. Словарь иностранных слов. М.: Русский язык. 1985.
33. Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2014.
34. US Census, Eurostat, Asian development bank, Росстат, 2008.
35. Розничная и оптовая торговля в Республике Беларусь. Статистический сборник.- Минск 2013.

V. Илмий мақолалар ва конференция тезислари

36. Нормуродов У.Н., Артиков З.С., Султонов Х. Самарқандда савдо корхоналари самарадорлигини оширишнинг объектив зарурияти. // “Ижтимоий соҳалар инфратузилмасини ривожлантиришнинг методологик муаммолари” ИАА материаллари. СамИСИ. 2014 йил 24-25 апрель. 29-32 бетлар
37. Шавқиев Э.Ш., Нормуродов У.Н., Султонов Х. Савдо корхоналарида инфратузилманинг роли ва аҳамияти. // “Иқтисодиёт ва халқимиз ҳаёт сифатини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” ИАА материаллари (V-қисм). Самарқанд, СамИСИ, 2015 йил, 20-21 февраль. 118-122 бетлар

VI. Интернет сайтлари:

38. www.ziyonet.uz.
39. www.lex.uz.
40. www.stat.uz.
41. www.google.co.uz
42. www.referat.uz (Рефератлар тўплами)
43. www.buhgalteriya.ru
44. www.docaudit.ru
45. www.glossary.ru